Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 222 (20. 190) • 1988 йил 27 сентябрь • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

• *Шу сонга хабар*

КУЗГИ ЭКИН-ТИКИН АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

Ўзбекистоннинг асосий ғалла кони — Қашқадарё областининг ғаллакорлари кузги экин-тикин ишларини бошлаб юбордилар. Кейинги йилларда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлган Ғафур Ғулом номли совхоз механизаторлари экиш агрегатларини биринчилардан бўлиб далаларга олиб чиқдилар. Серҳосил «Қарши» арпа нави уруғи экилмоқда. Бу нав ҳатто жанубнинг лалми ерларида ҳам гектар бошига 25 центнердан ортиқ дон беради.

Бу йил Қашқадарё ғаллакорлари учун муваффақиятли бўлди: улар аввалги йиллардаги қарзларини узди-лар. Бунга қулай об-ҳаво шароитларигина эмас, шу билан бирга тармоқ меҳнатчиларининг пудрат иш усулларига ўтганликлари ҳам ёрдам берди.

Республиканинг бошқа областларида ҳам эрта-индин кузги дон экиш ишлари авж олдириб юборилади. Деҳқонлар 630 минг гектардан кўпроқ майдонга уруғлик ташлашлари керак. Далаларнинг 90 процейти ҳозирдаёқ ҳайдаб қўйилди. Қолган массивларга — суғориладиган зонадаги майдонларга озуқа экинлари, маккажўхори ва пахта ҳосили йиғиб-териб олиниши биланоқ ҳайдов тракторлари чиқади.

(ЎзТАГ).

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари, идеология муассасалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан учрашувда сўзлаган нутқи

Салом, ўртоқлар!

Гарчи вақт топиш осон бўлмаса ҳам, сизлар билан суҳбатлашиш учун баъзи ишларни кечиктиришга қарор бердим. Учрашувларимиз иккала томонга катта фойда келтирмоқда. Бугунги гурунг ҳам зарур.

Аввало қайта қуришнинг ҳозирги босқичи хусусиятлари ҳақида. Шуни айтмоқчиманки, жамиятимизда қайта қуришнинг янги босқичи — зўр ғайрат билан амалий иш қилинадиган босқич бошланганини пайқаб олмаган бир талай кишилар бор. Бунинг устига баъзилар биз ҳали ҳам митинг билан овора бўлиб юрибмиз, деб ўйламоқдалар. Айрим кишилар кутиб туришибди, бошқалар ҳамон митинг қилмоқдалар.

Вақт эса зўр бериб амалий ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Ҳозир бизда қайта қуриш концепциясигина эмас, шу билан бирга, айрим даъволарга қарамай, янгилашнинг ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим соҳалари бўйича конкретлаштирилган пухта стратегияси ҳам мавжуд. Энг қийин давр бошланди: қайта қуриш концепциясини ишлаб чиқиш осон бўлмаган эди, аммо, ўртоқлар, уни ишлаб чиқиш конкрет ишларда рўёбга чиқаришдан кўра, барибир осонроқ, ахир. Белгиланган режаларни амалга ошириш жуда кўп одамларни уюштириш билан, ҳам партиядаги, ҳам халқдаги, ҳам ҳар бир коллективдаги, ҳар бир кишидаги тафаккурни қайта қуриш билан боғлиқ. Бу — жуда катта, бениҳоя қийин ва кенг миқёсли жараёндир.

Аммо биз эса ҳозирча сустқашлик қиляпмиз, вақтни бой бериб қўяпмиз. Бинобарин, ютқазяпмиз. Хуллас, ўртага қўйилган мақсадлар, шиорлар билан ишимиз ўртасида узилиш пайдо бўляпти.

Ҳозир олға бориш, ҳаракат қилиш керак. Турмуш эса ишимизни бойитади, башарти бирор ишда хато қилсак, унга тузатиш киритади. Бундан чўчимаслик, саросимага тушмаслик керак.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичи ёндашувларни, иш усулларини ўзгартиришни талаб қилмоқда, янги одамлар ҳам юзага чиқишлари керак. Уларни кўриш, пайқаш ва қўллаб-қувватлаш лозим. Баъзи кишилар шу революцион жараённинг реалликлари ва мушкулликларига дуч келиб, саросимага тушиб қолдилар. Дарҳақиқат, ўртоқлар, жамиятда неча ўн йиллар давомида тўпланиб келган жуда катта фаолиятсизлик бор. Мамлакатни шу ҳолатдан чиқариб олиш учун бениҳоя зўр куч-ғайрат сарфлаш керак.

Биз ошкоралик борасида, катта-катта муаммоларни кескин ўртага қўйиш борасида қилган ишларимиз ўзини оқлади. Ҳозир қайта қуриш жамиятда чуқур илдиз отди, жамият уни қабул этди. Бинобарин, фаолиятсизлик бартараф этилмоқда. Одамлар қаддини ростлаб олмоқдалар, ҳаракат қилишга, гражданлик позициясида туришга ўтмоқдалар, ўзларига ва теварак атрофдаги кишиларга нисбатан талабчанликни оширмоқдалар. Энг қийини — жамиятни ҳаракатга келтиришга ва уни олға силжитишга эришишдан иборат. Ҳозирнинг ўзидаёқ бунга эришилди, аммо фаолиятсизлик ҳали ҳам бор. Бу фаолиятсизлик янгичасига ишлаш тажрибаси йўқлиги билан қўшилиб кетмоқда, шу сабабли биз сиёсий соҳада ҳам, экономикада ҳам, бошқарув соҳасида ҳам ишни шу ҳолатни назарда тутиб, олиб боришимиз лозим.

Умуман, ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси янги жараёнлар, уларни ҳамма ҳам тўла-тўкис англаб олгани йўқ. Эскилик билан янгиликнинг ҳаммаси ёнма-ён турибди, ўртоқлар, ҳаммаси, ёнма-ён. Улар бир-бирига қарама-қарши бўлиб турибди. Бу ҳам қайта қуриш жараёнига мураккаб ишкаллик элементини киритмоқда.

Бу — ҳамма методлар, эски ва янги барча иш усуллари ёнма-ён яшайдиган ўтиш даврининг ўзидир. Ҳозир айрим муаммоларни авваллгидек эски усулда аралашмасангиз, ҳозирча ҳал этиб бўлмаслигини кўриб турибмиз. Бундан бошқа илож йўққа! Реал ҳаёт мана шундай.

Биздаги қайта қуришда бир талай қийинчиликлар бор. Кайфиятларнинг мураккаб хилма-хиллиги, одамлар онгидаги тартибсизлик, ҳавойи хом хаёллар, сабрсизлик, асабийлик — мана шуларнинг ҳаммаси бор. Ҳаммаси мавжуд бўлиб турибди. Бироқ сен жамиятни янгилашга, унинг янги сифатига эришишга қаратилган илғор йўлни қўллаб-қувватлашни кўзлаяпсанми ёки қайта қуриш ишини бадном қилиш, обрўсизлантириш учун муваффақиятсизликлардан, қийинчиликлар, муаммолар, чигалликлардан фойдаланмоқчи бўляпсанми — нимага даъват қиляпсан, нималарни кўзлаб воқеаларни таҳлил этяпсан — ана шуниси энг муҳимдир. Агар жиддий сиёсий таҳлил нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, масаланинг моҳияти мана шундан иборат.

Ҳозирги вақт шундайки, ўртоқлар, партия органлари ҳам, раҳбар кадрлар ҳам, ҳамма — шу жумладан оммавий ахборот воситалари ҳам аниқ позицияда туришлари керак.

Қайта қуриш — жонли жараён, шу сабабли бу ишни қандайдир схемаларга биноан программалаштириб қўйилган роботлар эмас, балки жонли кишилар олиб бормоқдалар. Бу — ижодий жараён, унинг ўз диалектикаси, ўз зиддиятлари, ўз мажаролари бор. Яширишнинг ҳожати йўқ, матбуотда ҳам, ҳатто умуман жамиятда ҳам таҳлил қилиш ва фикр юритишда чалкашликлар учсангиз фикр ойдинлашади-қолади. Бунинг учун аввало такомиллаштирилган машина бўлиши керак. Иккинчи томондан инсон омили — унинг кайфиятига ҳам боғлиқ. Учинчидан, даладаги ҳосил тўла очилган бўлиши зарур. Биз шунда пахта териш машиналарининг унумдорлигини 1 процент оширишга эришсак, 50 минг теримчининг ўрнини боса оламиз. Машиналарга таркибий шпиндель ўрнатилгудай бўлса, унумдорлик 20 процент оширилади, яъни 1 миллион кишини пахта йиғим-теримига жалб этмаган бўламиз.

Пахта териш машинасининг икки хил унумдорлиги мавжуд. Ҳаракатдагиси машинанинг тезлиги ва гўза қатор ораларининг сонига боғлиқ. Машинанинг ҳақиқий иш унумини билиш учун унинг технологик унумдорлиги ҳақидаги тушунчага эга бўлиши керак. Бунда унумдорлик асосан очилган пахтанинг ҳар гектаридан неча килограмм ёки процентини териб олиш билан аниқланади. Бу унумдорлик ҳосилдорлик, машинанинг ҳосилни териб олиш қобилияти ва кўсакларнинг очилиши сонига боғлиқ.

Машина унумдорлигини ҳисоблаш формуласи қуйидагича бўлади:

$$П = А \cdot Б \cdot В \cdot Г \cdot Д \cdot Е \cdot И \text{ тонна/соат}$$

П — машинанинг ҳар соатда терган пахта миқдори (тонна ҳисобида)

А — машинанинг фойдали иш коэффициенти — 0,4 — 0,7;

Б — машина аппаратининг қатор сони — 2—4;

В — гўза қатор ораларининг кенглиги — 0,6—0,9 м.

Г — машинанинг ҳаракат тезлиги — 3,6 км/соат;

Д — пайкал унумдорлиги — 30—40 тонна гектар;

Е — пахтанинг очилиши проценти — 60—80 процент ёки 0,6—0,8 қўямиз.

И — барабан шпинделларининг очилган пахтанинг қанчасини териб олиш миқдори — 0,8—0,9 (80 ёки 90 процент).

Мисол учун икки ёки тўрт қаторли пахта териш машиналарининг унумдорлигини ҳисоблаб чиқамиз. Сиз ХНП — 1,8 икки қаторда пахта териш машинасини бошқаряпсиз дейлик. Машинанинг параметрлари қуйидагича: Б=2, В=0, 9 метр, Г=3,6 км/соат, А=0,5 десак; машинанинг соатига босган майдони 0,324 гектарга тенг бўлади. Энди шу машинанинг ҳар гектар майдондан териб олган пахтасини ҳисоблаймиз (технологик унумдорлик). Бунинг учун формулага Д=3 тонна (30 центнер), Е=0,8 (80 процент); И=0,9 (90 процент) қўйсак, 2,16 тонна бўлади. Галдаги масала машинанинг бир соат ичида терган пахтасини аниқлашдан иборат. Бунинг учун 0,324 ни 2,16 га кўпайтирсак, 0,69 тонна ёки 690 килограмм келиб чиқади.

Иккинчи мисол. Энди бу масалани 14ХВ — 2,4 маркали тўрт қаторли машинага кўчирамиз.

Бу машинанинг параметрлари қуйидагича.

А=0,5, Б=4, В=0,6 метр, Г=3,6 километр соат, Д=3 тонна, Е=0,8, И=0,9.

Буларни формулага қўйиб, 0,933 тонна-соатни оламиз. Яъни, соатига битта машина 933 килограмм терар экан.

Машинанинг ҳар соатдаги унумдорлиги машинанинг фойдали иш коэффицентининг кўп бўлишига ва пахтанинг кўп очилишига боғлиқ. Формулага чуқур назар ташлаб, унинг маъносини чақиб, машина теримидан олдин бутун параметрларни аниқлаб, ҳисоб-китоб қилган механизатор, хўжалик ва район раҳбарлари ишни илмий ташкил этсалар, ҳам суръат, ҳам сифат ва миқдордан ютадилар.

Суҳбатни М. ПИРМАТОВ олиб борди.

МЕҲМОН ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет Иттифоқига қилган ҳозирги визитимиз натижаларидан жуда мамнунмиз. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан бўлган суҳбат, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико билан ўтказилган музокаралар, Украинадаги учрашувлар катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги босқичда Вьетнам-Совет қардошларча дўстлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга янги омил бағишлайди. Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико шу йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида расмий дўстлик визити билан Корея Халқ-Демократик Республикасига боради.

Кейсон Фомвихан Москвага келди

Лаос Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ-Демократик Республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси Кейсон Фомвихан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 26 сентябрь куни амалий визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКОНИНГ КХДРга ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сеннинг таклифига мувофиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико шу йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида расмий дўстлик визити билан Корея Халқ-Демократик Республикасига боради.

ҲИНДИСТОНГА КЕТА ТУРИБ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов расмий визит билан Ҳиндистон Республикасига кета туриб Тошкентда тўхтаб ўтди.

У Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди, Тошкент гарнизони ҳарбий бўлинмаларига борди.

Тошкент билан танишиш чоғида Д. Т. Язовга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали Н. И. Попов ҳамроҳ бўлдилар.

Д. Т. Язов 26 сентябрь куни Тошкентдан жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон меҳмонлари

Франция Коммунистик партиясининг активларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, бадиий буюмлар фабрикасида бўлдилар.

Программага мувофиқ француз коммунистлари Самарқандга сафар қиладилар.

(ЎзТАГ).



«ОҚ ОЛТИН»ГА БУРКАНДИ ОППОҚ ДАЛАЛАР, «ТЕРИМГА!» ДЕБ ЧОРЛАЙДИ ҚАЙНОҚ ПАЛЛАЛАР!

✦ Республикамизда пахта тайёрлашнинг кунлик суръати 2,60 процентдан ошди. Вазифа — бугун-эрта 3 процентли суръатга чиқиш!

✦ 1 миллион тоннали пахта хирмонимизни ўтган йилга нисбатан 11 кун илгари тиклашга муваффақ бўлдик. Мақсад — бу йил шу муддат ичида 2 миллион тонналик маррага етмоқ!

✦ Кунлик ўсишда энг юқори кўрсаткичга эришаётган Хоразм, Тошкент, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР пахтакорларидан ўрнак олинг!

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	3,38	55,54	2,45	27,49
Қашқадарё	2,89	38,29	2,70	27,97
Фарғона	2,42	31,34	1,52	6,62
Андижон	1,88	29,15	1,03	5,44
Наманган	2,63	28,48	2,46	11,09
Сурхондарё	2,83	26,74	3,92	22,38
ҚҚАССР	3,01	26,63	3,22	20,27
Бухоро	2,43	22,85	1,44	5,73
Тошкент	4,48	22,50	5,08	16,03
Сирдарё	2,45	10,28	2,76	9,01
Самарқанд	1,46	9,49	0,59	2,24
Республика бўйича:	2,62	25,97	2,46	13,44
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	2,62	42,62	—	—
Сурхондарё	3,21	28,63	6,46	32,30
Қашқадарё	2,44	19,52	3,58	16,17
Самарқанд	2,12	17,62	—	—
Бухоро	0,51	3,55	—	—
Республика бўйича:	2,84	24,75	5,19	25,30

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 26 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён

Қашқадарё	2,7	141,9
Сирдарё	2,5	130,0
Наманган	2,7	122,0
Сурхондарё	3,5	120,9
Тошкент	1,4	117,5
Бухоро	7,3	106,7
Хоразм	3,0	97,7
Қорақалпоғистон АССР	2,5	97,0
Самарқанд	8,8	96,5
Андижон	4,4	85,9
Фарғона	6,6	85,5
Республика бўйича:	3,9	112,7

Республикамизда пахта йиғим-терими кун сайин қизиб бормоқда. Пайкалларда «зангори кема»лар суза бошлади. Бу кундалик ўсишга барака киритиши аён. Шундай экан, машина билан бир кунда қанча пахта териш мумкин? Фан-техника ютуқлари амалиётда қандай қўлланилмоқда? Мухбиримиз шу ҳақда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Ҳ. УСМОНХЎЖАЕВ билан суҳбатлашди.

— Ҳалим Ҳайдарович, партия ва ҳукуматимиз деҳқонлар ишини енгиллаштириш хусусида тинимсиз қайғурмоқда. Кейинги йилларда яратилаётган кашфиётлар, машиналарнинг янги турлари ҳақида гапириб берсангиз.

— КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга катта эътибор берди. Гап амалий қайта қуриш ҳақида, хўжалик механизмининг қарор топган кўпгина структурасини синдириш, илм-фандаги ички муносабатларни такомиллаштириш ҳақида борди. Ҳақиқатан, республикамизнинг сифат жиҳатдан янги илмий потенциалини яратиш зарур. Бу, албатта, пахта териш машиналарининг янги намуналарини яратиш билан ҳам боғлиқ. Биргина мисол. Бугунги кунда машина шпинделларининг тишлари қўзғалмайди, пахта толалари орасига кириб, тўлиб қолади. Натижада ҳосил тўкилиб нобуд бўлади. Бу билан ҳосилнинг деярли 30 процента йўқотиляпти.

Биз машиналарга таркибий шпиндель қўйишга ана-шундагина киришяпмиз. Бунинг ҳам ўз муаммолари бор. Череповец металлургия заводи маҳсулотни етарли етказиб беролмаяпти.

— Биз кейинги йилларда ғўза баргини сунъий тўктиришга зўр бердик. Айрим ўта заҳарли дорларни ишлатишдан ҳам чўчимадик...

— Фикрингизни тушуниб турибман. Сиз атроф-муҳитга катта зарар етказилганлиги, инсон соғлиғига эътибор бермай қўйилганлиги ҳақида тўхталмоқчисиз. Тўғрими? Гап ғўза баргини сунъий тўктириш ҳақида борса, бу борада ҳам изланишлар йўқ эмас. Айрим олимлар ғўзани дефолиациясиз териш устида иш олиб бормоқда. Бу қандай натижа бериши ҳали маълум эмас.

— Ҳалим Ҳайдарович, сиз кейинги йилларда ҳар бир механизатор машинанинг унумдорлик формуласини билиши керак, деган шиорни ўртага қўйиб келяпсиз. Шу ҳақдаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Машина, инсон, пайкал. Бу формулага эътибор бериш керак. Иккинчидан. Кризис арафаси аҳволи тўғрисидаги танқидий эҳтирос кўпинча догматик ва механик тарзда бугунги кунга ўтказилмоқда. Биз ҳали иқтисодий ислоҳотни ниҳоясига етказганимиз йўқ-ку, ўртоқлар! Биз уни эндигина бошлаяпмиз, эндигина авж олдиряпмиз.

Биз ҳали сиёсий ислоҳотни ниҳоясига етказганимиз йўқ-ку? Биз партия конференциясида сиёсий йўл-йўриқларни эндигина таърифлаб олдик. Биз ҳали бу йўл-йўриқларнинг ҳаммасини амалга оширишимиз, рўёбга чиқаришимиз лозим. Янги сайлов қонуни, Конституцияга қўшимчалар ва бошқа кўпгина ҳужжатлар ишлаб чиқилиши керак.

Биз қийинчиликларимизни, муаммоларимизни очиб ташладик. Бужудга келган вазиятни тубдан ўзгартиришга қарор бердик. Келинглар, қайта қуришни олға силжитайлик. Бизнинг бошқа йўлимиз йўқ. Йиғилиб қолган муаммоларни шу тарздагина ҳал этиш мумкин. Энг муҳим вазифа — мана шу. Бас, шундай экан, эски гуноҳларни қайта қуришга тўнкамаслик лозим.

Келинглар, минглаб коллективлар ва бутун-бутун регионлар нималар ҳисобига қисқа муддат ичида олдинги позицияларга чиқиб олганини одамларга яхшироқ тушунтириб, кўрсатиб берайлик. Кўп кишилар ўзгартишларнинг моҳиятини фаҳмлаб олдилар, очилган имкониятлардан фойдаланиб, ажойиб натижаларга эришдилар! Бошқаларда эса ҳали ҳам бурилиш йўқ. Хўш, нима гап ўзи? Сабаб нима? Сабоқ олиш, янгичасига ишлашни ўрганиш учун мана шуларни суриштириб билиш керак.

«Пештахталар бўш», «мол йўқ» деб шунчаки такрорлайвериш эса — беҳуда иш. Хўш, бу гапни бир-икки марта айтдингиз, ундан кейин нима бўлади? Халқда ҳамма нарса бўлсин, деб қайта қуришга киришдикку, ахир.

Бизнинг ислоҳотларимиз жуда катта имкониятларни очиб бермоқда. Аммо, нега баъзиларнинг иши юришяпти-ю, бошқалар турғунлик-дан чиқа олмаяптилар? Бир ўйлаб кўринглар: Суми машинасозлари энди оддий хўжалик ҳисоби билан қаноатланмасдан, ишни янада жадаллаштириш учун корхонани ижарага олмоқчи бўлиб туришибди. Минглаб коллективлар эса хўжалик ҳисоби, хўжалик юритишнинг янги усуллари йўлида дастлабки қадамларнигина қўймоқдалар.

Матбуот, гарчи ҳали доимо бўлмаса ҳам, ўзгаришларни англаб олишда одамларга ёрдам бермоқда, хўжалик ҳисобини, ижара пудратини тушунтирмоқда, тарғиб қилмоқда. Матбуот бошқа кўпгина янги усулларни, ташаббусларни, корхоналарнинг мустақиллигини ҳимоя қилмоқда. Бу—яхши, аммо у нотўғри ёндашувлардан, чўчитувчи ҳодисаларни йиғиб юришдан қатъиян халос бўлиши керак. Бундай ҳодисаларни консерватор ва зўраки тараққийпарвар қарсак чалиб кутиб олади! Униси ҳам, буниси ҳам: биз қайта қуриш — уйдирма иш деб, ундан ҳеч наф чиқмайди, деб айтмабмидик, биз буни аллақачон гапирган эдик! — деб истеҳзо қилади.

Шу тариқа сўлдан ва ўнгдан ҳужум қилаётган «қардошлар» бирлашиб олиб деяверинг. «Сўллар» ҳам, «ўнглар» ҳам жамиятга бесаранжомлик соладилар, қайта қуришга путур етказадилар. Ҳамиша шундай бўлиб келган ва эндиликда қайта қуриш тажрибаси буни исботлаяпти.

(Давоми 2-бетда).

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

МАШИНАНГИЗ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРА ОЛАДИ?

ДАСТЛАБКИ ДОВОН

Қизилтепа районидаги «Октябрь 70 йиллиги» совхозининг Э. Жумаев бошлиқ оилавий звеноси чўл шароитида пахта етиштиради. Звенонинг майдони 8 гектар. Шартномага кўра 12,5 центнердан ҳосил топширилиши керак эди.

Улар районда биринчи бўлиб уч иш кунида йиллик планни бажаришди. Ҳозирга қадар коллектив ҳар гектар ердан топширган пахта 15 центнердан ошиб кетди.

— Дастлабки довондан ўтдик, — дейди Э. Жумаев. — Ҳали пайкалларимизда пахта кўп. Шунинг учун ҳосилдорликни 25 центнерга етказишни ният қилганмиз.

Умуман район пахтакорлари яқиндагина теримга тушишди. Ҳозиргача бу борада «Бўстон» совхози, Жданов номли, «Бухоро» колхозлари олдинда боришяпти.

— Пахта яхши очилди, — дейди Жданов номли колхоз бригада бошлиғи Ҳ. Жамолов, — фақат ингичка толали пахтамиз бироз орқада. Бу тафовут 7—10 кун ичида барҳам топади. Навбат — дефолиацияни ўз вақтида ва соз ўтказиб, машина теримини тезроқ бошлаб юбориш керак.

Хўш, бунга район пахтакорлари тайёрми?

— Албатта, — дейди район партия комитетининг иккинчи секретари Муроджон Шарифжонов, — 165 та агрегат тўла созланди. Уларнинг ҳар бири билан 116 тоннадан пахта териш мўлжалланяпти. Агар биз бунга эришсак, ҳосилнинг 60 процентини машиналарда йиғиб олган бўламиз.

А. ҚОРЖОВОВ.

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ орасидаги, жамиятдаги қайта қуриш аслида эндигина бошланмоқда. Модомики, шундай экан, аравани ҳамма баравар тортиши, бутун куч билан тортиши керак. Шундагина қайта қуриш ғалаба қилади! Буларнинг ҳаммаси жўн иш эмас, албатта.

Красноярскда мен одамларнинг танқидий кайфиятини ҳам, уларнинг партия бошлаган ишга қатъий ишончини ҳам кўрдим. Мана шу — қайта қуришнинг асосий гаровидир. Минглаб кишилар, бутун Норильск аҳли кўчаларга чиққанини кўрдим. Одамлар қайта қуриш тарафдори эканлигини айтишни хоҳлар эдилар. Айрим кимсалар қайта қуришдан кўп меҳнаткашларнинг хафсаласи пир бўлди ва унга ишонмаяптилар, деб ёзаётган эканлар, бу масъулиятсизларча фикр юритишдан бошқа нарса эмас.

Ўртоқлар, мен матбуотнинг роли кучайиб бориши тарафдориман. Биз матбуотнинг ёрдамисиз бу ишни уддалай олмаймиз, қайта қуриш жараёнини юриштира олмаймиз, экономикадаги, сиёсий соҳадаги ва идеологиядаги муаммоларнинг бутун янгилигини англаб ололмаймиз. Аммо бу борада Красноярскда бўлганидек, масъулият билан жиддий, рўй-рост, ҳалол гаплашмоқ керак.

Кўпгина нуқсонларнинг ўз томирлари ва ўз тарихи бор. Эски дарахтни қимирлатмоқ, сўнгра таг-туги билан агдариб ташламоқ ва янги дарахт ўстириб, мева олмоқ учун ҳали кўп иш қилиш керак. Бу — ўйин эмас, жиддий иш. Келинглар, ўзимиз бошлаган ишни яхшилаб бажарайлик.

Мен сизларга аввало шуни айтмоқчи эдим, сизлар биз билан бирга меҳнат қилаётган, биз ишонган кишиларсизлар, партия сизларнинг ёрдамингиз ва мададингизга умид қилади. Биз қайта қуришни чуқурлаштириб ва юриштириб, қийинчиликларни бартараф этишимизга аминман. Шу йўлни танлаб олган эканмиз, дадил олға бориш, белгиланган режаларга эришиш учун мард ва масъулиятли бўлайлик.

Хўш, шу муносабат билан партиянинг ҳам, матбуотнинг ҳам вазифалари нималардан иборат?

Биринчидан, қайта қуриш сиёсатини ташкилий ва мафкуравий жиҳатдан таъминламоқ, унинг обрўсини тўкиш йўлидаги уринишларнинг пайини қатъиян қирқмоқ зарур.

Иккинчидан, мамлакат тақдири учун бурилиш палласи бўлган масъулиятли даврда реализм позициясида қаттиқ туриш, турмушни билиш, фикрларга вазминлик билан қараш лозим. Акс ҳолда енгил-елпи мулоҳазалар, ҳатто оддий сафсатабозлик йўлига тезгина тойиб кетиш мумкин.

Учинчидан, одамларга мўъжиза рўй беради, деган кайфиятни сингдирмаслигимиз керак. Афкор оммани «яхши подшо»га, ҳар нарсага қодир марказга, юқоридан кимдир тартиб ўрнатишига, қайта қуришни ташкил этишига ишониш каби жуда зарарли фикр-ўйлардан халос этиш зарур. Бу — социал тайёрга айёрликнинг энг ёмон туридир. Кўп кишилар мустақил ҳаракат қилишни унутиб қўйганлар, дурустроқ ишлашни билмайдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай, бу ҳақда ҳам рўй-рост айтмоқ керак.

Тўртинчидан, одамларнинг ишга, турмушга, жамиятга муносабатини ўзгартириш лозим. Уларни қайта қуриш жараёнларига реал равишда жалб этиш орқалигина шундай қилиш мумкин. Қайта қуриш сиёсатининг аҳамияти жуда катта, халқ қайта қуриш жараёнига актив қўшилаётганига бир назар ташланг. Бироқ, бу ўринда омманинг ўз тажрибаси энг муҳим нарса эканини унутмаслик керак. Одам қандай бўлса, шундайлигича қолаверади, уларни ҳеч нарса билан ўзгартириб бўлмайди, деб ўйламаслик керак. Йўқ, одамлар ўзгаради ва жуда тез ўзгаради. Буни биз қайта қуришга киришган кишиларнинг мисолларида кўриб турибмиз. Шу сабабли матбуот ислоҳот орқали, ошкоралик орқали, демократиялаш орқали бу жараённинг кучайишига ёрдам бериши керак.

Яна бир гап. Матбуот баъзан кадрларни қаторасига танқид қилиш йўлига тойиб кетмоқда. Бунда қандайдир бир ёқламалик сезилиб қолмоқда. Колхоздаги пудратни, ижарани олиб кўринг. Раҳбар ходимлар, мутахассислар орасида пудратга ҳам, ижарага ҳам қарши бўлганлар кўп, чунки ижара уларнинг ҳақиқий қобилиятлари қандайлигини кўрсатади. Кадрларнинг мана шу қисми қаршилигини матбуот ҳақли равишда танқид қилмоқда. Бироқ, маълум бўлишича, ҳосилга қараб эмас, балки машина мингманинг ўзи учунгина ҳақ олишга одатланиб қолган механизаторга ҳам ижара керак эмас экан. Бинобарин, бу томондан ҳам ижарага қаршилик қилинмоқда. Демакки, ҳозирча ижара ўзига секинлик билан йўл очаётган экан, бунга фақат бошлиқларгина айбдор эмас. Қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда ҳам аҳвол шундай. Ялпи куч-ғайратлар билан халқнинг психологиясини ўзгартириш керак.

Биз нуқсонларга йўл қўяётган, айниқса қайта қуришга халақит бераётган кадрларни танқид қилишимиз керак, бюрократларга қарши жанг қилишимиз лозим. Аммо айни вақтда шуни назарда тутиш керакки, қайта қуриш ғояларини қабул қилиб олган ёки қайта қуриш жараёнида кўтарилиб, камол топган яхши кадрлар корпуси бўлмаса революцион янгиланиш илгари силжимайди. Мутахассислар бўлмаса, янги иқтисодий ечимлар ҳам, фан-техника тараққиёти ҳам олға босмайди. Фаолиятнинг ҳамма соҳаларида бизга истеъдодли раҳбарлар керак, жуда керак.

Бешинчидан, масъулият, интизом ва тартибни ошириш мавзуини қайта қуриш бошланган пайтдагидек зўр куч билан тарғиб қилиш лозим. Сиз билан биз буни унутиб қўйдик, ўртоқлар. Бусиз қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди. Тартиб, масъулият ва ташаббус бизга ҳаводек зарур.

Энди Красноярск сафари таассуротларини қисқача айтиб бераман. Ажойиб сафар бўлди! Ҳали бунақаси бўлмаган эди! Одамлар билан учрашувлар мароқли ўтди. Рўй-рост, ошкора тарзда мароқли гурунг бўлди.

Халқ дилидагини гапирадиган бўлиб қолганини айтмайсизми? Қайта қуриш ҳеч наф бермади, деб даъво қилаётган кишиларга шундай деса бўлади: халқимиз қандай бўлиб қолаётганлиги ва қандай бўлиб қолганлиги қайта қуриш берган энг буюк нафдир. Энг муҳими — мана шу. Демакки, қайта қуриш рўёбга чиқади! Таассуротлар кўп. Жуда ўзига хос муаммоларга, жараёнларга эга бўлган ноёб ўлка бу.

Сибирликлар қайта қуришни қабул этдилар, у илгари силжишини хоҳлайдилар, деб айта оламан. Вақтни, ресурсларни талаб қиладиган масалалар борлигини, уларнинг ҳаммаси жўн масалалар эмаслигини одамлар тушуниб туришибди (ва бу ҳақда рўй-рост гапиришди). Бироқ оддий масалалар ҳал этилмаётганлигидан одамлар ҳақли равишда газабланмоқдалар.

Айни мана шу муаммоларни ҳал этмаётган кимсалар ўз лавозимларига муносиб эмасликлари ҳам кўриниб турибди. Жойларда кўп нарсани ҳал этиш мумкин ва лозим.

Биз озиқ-овқат, уй-жой, товарлар билан таъминлаш масалаларига зўр бериб тўғри иш қилаётганимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, албатта. Айниқса Красноярск ўлкаси каби регионларда шундай қилмоқ керак. У ерда экинзорлар киши бошига мамлакатдагидан кўра икки баравар кўп бўлса ҳам, озиқ-овқат етишмаяпти. Деҳқонлар қишлоқдаги меҳнат билан шуғулланмай қўйишибди, кўплари ишлаш учун саноат корхоналарига кетиб қолишибди. Биз матбуотда қурувчиларнинг ишларини, азм саноат корхоналари, электр станциялар барпо этилаётганини мақтаб ёздик. Аммо ҳеч ким ўлка қишлоқ хўжалигида нималар бўлаётганини ва одамларни ким боқишини бирон марта ёзгани йўқ.

Ҳолбуки, ўлкада катта имкониятлар бор. Ўйлайманки, биз у ердаги кўпгина муаммоларни ҳал этиш йўлларини: экологияни қандай қилиб ўнглаб олишни ҳам, уйжой муаммосини қандай ҳал этишни ҳам пайқаб олдик. Жиддий иш бошланган тақдирдагина бу муаммоларнинг ҳаммасини ҳал этиш мумкин. Шу пайтгача бу муаммолар ҳал бўлмай келганлиги учун марказ ҳам айбдор, бироқ маҳаллий раҳбарлар ҳам айбдор. Кўп ишларни ўнглаб олиш лозим.

Контрол керак. Министрликлар социал масалаларни қандай ҳал этаётганликларини, инсоннинг яхшироқ яшаши учун ажратилган маблағ жойларда қандай ишлатилаётганлигини матбуот назорат қилиб туриши лозим. Бу соҳада ҳар бир газета, ҳар бир журнал ўзига хос мавзуларни топа олади. «Советская культура» газетаси Сибирда маданият соҳаси қандай ривожлантирилаётганлиги ҳақида ўткир ва холисона ёзаётганлиги менга манзур бўлмоқда. Социал муаммоларни ҳамма жуда синчиклаб кузатиб бориши керак, ўртоқлар.

Ҳозир биз шундай жараёнларни, шундай янгиликларни шу қадар зўр миқёсларда бошлаяпмизки, булар назарий, сиёсий фаолиятда, жамиятни ташкил этишда, бирлаштиришда, жипслаштиришда жуда катта куч-ғайрат сарфлашни талаб қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси фақат партиянинг иши бўлиши мумкин. Партия ташкилотлари бошқача бўлиб бормоқда. Уларда ҳаёт жўш урмоқда. Мана шуларни ҳам кўриш ва қўллаб-қувватлаш лозим. Чунки биз партияни мустаҳкамлаш ўрнига заифлаштириб юборсак, қайта қуришдан ҳеч қандай самара чиқмайди. Биз партияни ривожлантириш масалаларини конференцияда белгилаб олганимиздек ҳал қилиш орқали КПССнинг фаолиятини ҳақиқий сиёсий авангард бўлишнинг янада юксак поғонасига кўтарамиз. Партия ҳақида ўйлаяпмиз. У сиз билан бизнинг партиямиз.

Одамлар яхшилик сари ўзгаришлар бўлишига зўр иштиёқманд эканликлари давримизнинг энг мароқли белгисидир. Зотан улар қайта қуриш туфайли бошланаётган барча жараёнларда қатнашишга тайёрдирлар. Шу билан бирга, ўртоқлар, ишчилар синфи қайта қуриш гап-сўзлар гирдобида ғарқ бўлиб кетмаса эди, деб жуда танқидий кайфиятда турибди. Бизга етарлича талабчанлик қилмаяпсизлар деган таъналар эшитиляпти. Шу муносабат билан жамиятни янгилаш ва инсонни сиёсий бефарқлик ҳолатидан ижодкорлик ва ташаббускорлик изига чиқариб олиш масалаларини умри тугаган зўравонлик, буйруқбозлик-маъмуриятчи л и к усуллари ёрдамида ҳал этиб бўлмаслигини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман.

Аммо тартиб бўлиши керак. Қонун тантана қилиши лозим. Дарвоқе, Тоғли Қорабоғдаги воқеалар шуни кўрсатди. Наҳотки кимлардир бебошлик қилса, ўт қўйиш билан шуғулланса-ю, биз панд-насиҳат қилиб ўтираверамизми? Бундай қилмаймиз. Матбуот ҳам қонунни қўллаб-қувватлаши керак. Биз ҳуқуқий давлатни барпо этмоқчимиз. Биз меҳнаткашларни ҳимоя қилишимиз лозим? Бу ўринда диалектикани кўра билмоқ керак, ўртоқлар. Демократия ҳам, албатта қонунийлик, масъулият, интизом демакдир.

Ҳозир партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов давом этмоқда. Тез орада район, шаҳар, область, ўлка конференциялари ўтказилади. Бу сиёсий кампаниянинг аҳамияти жуда катта, у тушунарли сабабларга кўра, партия турмуши доираси билангина чекланмайди, албатта. Бутун ички сиёсий турмушни чуқур қайта қуриш, демократиялаш, янги вазифаларни назарда тутиб, партия қурилишида янгича ёндашувларни шакллантириш жараёни давом этмоқда. Бу жўн жараён эмас. Баъзи кишилар истеъфога чиқаришни илтимос қилмоқдалар. Айрим ўртоқлар буни ташвишли бир ҳол, деб тушунмоқдалар, менимча, табиий жараён давом этмоқда. Ҳа, янги шароитларда ишлашга тайёр бўлмаган ёки кучи етмаслигини сезаётган кишиларгина кетмоқдалар. Бундан чўчимаслик керак. Уларнинг ўрнига ҳақиқатан ҳам янгиликни кўрадиган, унинг учун қандай курашиш кераклигини биладиган актив, билимдон кишилар, ҳақиқий раҳбарлар сайланмоқда.

Ҳозир биз XIX партия конференциясида таърифланган принциплар асосида партия аппаратини ислоҳ қилиш билан шуғулланяпмиз. Бу ишни тезроқ битказишни хоҳлаймиз. Бу хусусда муҳокама бўлиб ўтди. Сиёсий бюронинг қарори қабул этилди. Партиянинг вазифалари ўзгариши муносабати билан КПСС Марказий Комитети, республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари аппаратининг структураси ўзгартирилиб, сиёсий ва ташкилотчилик ишига зўр берилади. Аппаратнинг сони ҳам қисқартирилади. Бу нарса, эҳтимол, КПСС Марказий Комитетининг аппаратига кўпроқ, район ва шаҳар комитетларининг аппаратига камроқ даражада таалуқли бўлар. Партия аппарати энг яхши кадрлар билан жуда жиддий равишда мустаҳкамланади ва унинг савияси кўтарилади, деб ўйлаймиз.

XIX партия конференциясининг қарорларини амалга оширишга оид бундан кейинги режаларга келганда эса, келгуси йилнинг бошларида биз аграр сиёсат масалаларига бағишланган Пленум ўтказмоқчимиз. Миллатлараро муносабатларга бағишланган Пленумга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

Сиёсий ислоҳот ҳақида гапирадиган бўлсак, биз сиёсий ислоҳот муносабати билан янги сайлов Қонуни лойиҳасини ва СССР Конституциясига қўшимчалар лойиҳасини тез орада Сиёсий бюрода муҳокама қилиб, ислоҳотни тайёрлаш ва ўтказиш масалалари билан шуғулланувчи комиссияга топширамиз. Бу ҳужжатлар муҳокама учун эълон қилинади. СССР Олий Советининг сессияси ўтказилади, келишиб олганимиздек, кўкламда сайлов, сўнгра халқ депутатлари съезди бўлади.

Иқтисодий ислоҳотга келганда шуни айтиш керакки, бу соҳада ҳали келгусида кўп иш қилинади. Нархларни, улгуржи савдони ислоҳ қилиш, умуман молиявий аҳволни соғломлаштириш масалалари — жуда катта, жуда оғир ишдир. Энг муҳими эса, экономиканинг қолган қисми хўжалик ҳисобига ўтаётганлигидир. Бу эса бениҳоятда масъулиятли пайт эканини ўтмиш тажрибаси кўрсатди.

Хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтишга ҳозир қандай тайёргарлик кўрилаётганини ўрганинглар, қимматли тажрибани қўллаб-қувватланглар. Ҳозир журналистнинг битта ўткир сўзи кифоя қилмайди. Билимдонлик кўпроқ бўлсин, билимдон кишилар керак. Аммо ишчиларнинг фикрини ҳам унутмаслик лозим. Ҳолбуки, газета ва журналларни мунтазам кузатиб борсангиз, баъзи муаллифлар ва ҳатто ташкилотлар ҳозирнинг ўзидаёқ муайян газета ва журналлар бўйича тақсимланиб, бўлиниб олибдилар, деган таассурот вужудга келади. Қайси журнал қандай хатларни, қайсиси эса бошқача хатларни эълон қилишини бугун мен сизларга аниқ айтиб бера оламан. Гуруҳлар тарафкашлиги кўриниб қолмоқда. Бунга ҳам барҳам бериш керак. Ҳамма нарсани эълон қилинглар, фикрлар хилма-хиллиги бўлиши керак. Бироқ шундай йўл тутингларки, қайта қуриш йўли, социализм иши ҳимоя қилинадиган ва мустаҳкамланадиган бўлсин.

Ниҳоят, ташқи сиёсий масалаларга ўтаман. Бу ҳақда кўп ёзилмоқда, мароқли, чуқур ёзилмоқда, янги кучлар пайдо бўлди. Бир вақтлар «Правда» ўз саҳифаларида Ғарб олимлари билан, сиёсий доираларининг намояндалари билан бевосита гурунг бошлаган эди. Энди бу анъана бўлиб қолди ва менимча, фикрларнинг бундай тўқнашувида мароқли жиҳатлар кўп. Зеро биз ўзаро боғланган, яхлит дунёда яшаб турибмиз ва одамзот цивилизациясининг турли секторлари вакилларимиз, бу цивилизация учун ҳаммамиз баб-баравар жавобгармиз. Бу йўлни келгусида ҳам давом эттириш керак, ўртоқлар. Аммо ҳаерда ва қайси мамлакатда яшаётганимизни, қаерда туғилиб ўсганимизни ҳам унутманглар.

Ошкораликнинг қандайдир чегараси, демократиянинг чеки ҳақида гап бораётгани йўқ. Қандай чегаралар бўлиши мумкин. Халқ манфаатлари йўлидаги, социализм манфаатлари йўлидаги ошкоралик чексиз бўлиши керак. Такрор айтаман, халқ манфаатлари, социализм манфаатлари устун бўлсин.

Халқимиз социализм тарафдори эканига мамлакат бўйлаб юрган ҳамма сафарларимда ишончим комил бўлганини таъкидламоқчиман. Бугина эмас, ҳеч ким социализм йўлидан тойдирмасин, қаёққадир бошқа тарафга судрамасин, деб халқнинг ўзи кузатиб турибди. Жараёнларнинг янгилиги одамларни жуда тўлқинлантирмоқда. Улар мени кооперативлар хусусида, нарх-наво хусусида қандай «тергов» қилганликларига бир қаранг. Нима учун енгил саноатда арзон моллар ишлаб чиқарш тўхтатиб қўйилмоқда. Фақат қимматлари қолдирилмоқда? Рўй бераётган жараёнларни ишчилар синфи жуда синчиклаб кузатиб турибди. Биз бўлсак, аввало ишчилар синфининг партиясимиз, ишчилар синфининг идеологияси партиямиз билан давлатимизнинг фаолиятига асос қилиб олинган. Биз бундан воз кечмаймиз. Бугина эмас, биз Октябрда ўзимиз танлаб олган социалистик йўл негизида келгусида ривожланишнинг жуда катта имкониятларига эга. эканимизга ишонамиз.

Қайта қуриш социалистик принципларга, социализм имкониятларини тўлатўкис намоён этишга асосланади. Бу эса бошқа принципларга амал қилаётганлар билан тажриба алмашишни, технология ва фан соҳасидаги, инсон фаолиятининг бошқа соҳаларидаги ютуқларни баҳам кўришни истисно этмайди. Аммо бизнинг қадриятларимиз — социалистик қадриятлардир. Модомики, шундай экан, биз социализмнинг ҳамма имкониятларини жамиятни янгилашга хизмат қилдиришимиз керак.

Хуллас, демократиялаш, ошкоралик жараёнини олға силжитиш лозим, шундай қилмай туриб биз ўз вазифаларимизни ҳал қила олмаймиз.

Иқтисодий ислоҳотни, сиёсий системани ўзгартиришни илгари силжитиш, жамиятни соғломлаштириш йўлини сабот билан кенг миқёсда давом эттириш, бу ишни астойдил, чуқур масъулият, маҳорат билан сидқидилдан олиб бориш зарур. Мамлакат учун жон куйдирувчи кишн халқнинг иродасини қандай қилиб кучайтириш, руҳини кўтариш, қайта қуришнинг тантанаси учун курашда унинг куч-қувватини ошириш йўлини ҳамиша топа олади.

Омон бўлинглар!

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ЯНГИЧА ШАРОИТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

Ўзбекистон энергетика корхоналари раҳбарлари, партия ташкилотлари секретарлари, меҳнат коллективлари кенгашлари раисларининг 24 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика семинар-кенгаши хўжалик юритишнинг янгича шароитларида ишлашга тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари тўла хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитларида ишлашга ўтиш даврида тармоқ корхоналари олдида турган энг муҳим вазифаларни муҳокама қилдилар. Амалга оширилаётган ишни партиявий раҳбарлик билан таъминлаш тажрибаси ўртоқлашилди. Республика Госплани, Молия министрлиги, Госснабининг етакчи мутахассислари тўпланганларни хўжалик юритишнинг янгича шароитларида ишлашнинг ўзига хос молиявий омиллари, моддий-техника таъминоти, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари билан таништирдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Тошкент ва Янгиангрен ГРЭСларида, Тошкент электр тармоқлари корхонасида бўлдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов қатнашди. (ЎзТАГ).

Арманистон Компартиясининг Марказий Комитетига МУРОЖААТНОМА

Тоғли Қорабоғ область партия комитети ва халқ депутатлари Тоғли Қорабоғ автоном области Советининг ижроия комитети 24 сентябрь куни Арманистон Компартияси Марказий Комитетига, шунингдек, газеталарнинг редакцияларига қуйидаги Мурожаатномани йўлладилар:

Тоғли Қорабоғ область партия комитети, халқ депутатлари Тоғли Қорабоғ автоном области Советининг ижроия комитети, область жамоатчилиги сўнгги кунларда Тоғли Қорабоғда юз берган воқеалар муносабати билан Ереван шаҳрида бўлаётган митингларда тарқатилаётган миш-мишлар ва уйдирмаларни қатъий қоралайдилар.

Область аҳолиси алоҳида ҳолат ва комендантлик соати жорий этилганлигини сўнгги, лекин зарур чора деб кутиб олди.

Тоғли Қорабоғ автоном областида, жумладан, Степанакертда вазият аста-секин барқарор тус олмоқда. Аҳолининг ҳарбий қисмлар билан муносабатлари нормаллашмоқда. Шаҳар корхоналарида меҳнат маромини тиклаш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Область партия комитети ва область ижроия комитети областда юз бераётган воқеаларнинг моҳиятини бутунлай бузиб кўрсатувчи шубҳали ахборот манбаларига асосланишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Ереванда ўтаётган митингларда айтилаётган бундай ахборот одамларни чалғитади, эҳтиросларни авж олдиришга кўмаклашади.

Бемаъни, воқеликка зид бўлган миш-мишларга (бундай миш-мишларни тарқатиш қайта қуриш муҳолифларининг тегирмонига сув қуяди) чек қўйиш ҳамда Қорабоғ муаммосининг адолатли ҳал қилиниши учун биз областдаги воқеалар тўғрисида ҳар куни ахборот бериб туришга тайёрмиз.

Телеграмма текстини Ереван шаҳридаги митингда ўқиб эшиттиришингизни сўраймиз.

Тоғли Қорабоғ область партия комитетининг секретари Г. ПОГОСЯН

Халқ депутатлари Тоғли Қорабоғ автоном области Совети ижроия комитетининг раиси С. БАБАЯН

Аҳиллик йўқолмасин

Озарбайжон ССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном области теварагида бўлаётган воқеаларни эшитиб ташвишга тушдим. Озарбайжон ва арман халқлари қадим-қадимдан ёнма-ён яшайдилар. Хўш, улар бугунги кунда нимани талашишяпти? Ахир, ҳаётимизнинг фаровонлиги мамлакатимиз халқларининг биродарлиги, дўстлиги туфайли ортиб бораётир-ку. Степанакерт, Ағдам районида ва Ереваннинг марказида масъулиятсиз кишилар томонидан уюштирилаётган митинглар ва уларда берилаётган ирвогарона баёнотлар, турли-туман миш-мишлар бизнинг ҳам ғазабимизни келтирмоқда.

Кишилар томонидан уйларга ўт қўйилиши, айрим гражданлар ясама милтиқлардан ўқ отиши бизнинг жамиятимизга тамомила ётдир. Буларнинг бари бир группа экстремистларнинг иши эканлиги шубҳасиздир. Иш ташлаш, забастовкалар натижасида фақатгина Тоғли Қорабоғдаги эмас, балки бутун мамлакатимиздаги корхоналарга ҳам ҳар томонлама зарар етмоқда. Бу ўзўзидан минглаб кишиларнинг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатаётир.

Шу ўринда мен қардош икки республикадаги ишчи, деҳқон ва зиёлиларга мурожаат қилмоқчиман: Одамлар, сизлар баъзи экстремистларнинг ирвосига учманглар! Икки халқ ўртасидаги муносабатларни бузишга уринаётганлар эл нафратига лойиқдир. Келинглар, кўп миллатли совет халқлари дўстлигини мустаҳкамлаб, ўртадаги аҳилликни йўқотмайлик!

А. ДАВРОНОВ, Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

Шанимизга ярашмайди

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси йили меҳнат зафарлари йили бўлиб қолиши учун курашяпмиз. Ютуқларимиз чакки эмас. Йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган бригадамиз йигит ва қизлари саккиз ойлик топшириқни оширишга ундадилар. Маҳсулотларимиз сифати ҳам юқори баҳоланяпти.

Бироқ Тоғли Қорабоғ автоном областидаги нохуш воқеалар бизни ташвишга солмоқда. Экстремистик кайфиятдаги бир группа кишиларнинг турмуш тарзимизга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатини биз қаттиқ қоралаймиз ва маҳаллий партия, совет, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларидан бу масалада кескин ва таъсирчан чоралар кўришларини талаб қиламиз. Негаки, мамлакатимиз кўп миллатли халқлари аҳил-иноқлик билан иш қилганимизгагина муваффақиятларимиз янада улкан бўлади. Ҳар биримизнинг ўз ўрнимиз, қадр-қимматимиз бор. Бинобарин, зафарларимиз асоси иқтисодий ҳамкорликда, халқларимизнинг бузилмас дўстлигидадир.

М. ЮСУПОВ, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда фаол қатнашаётганлиги учун ёзувчи, Марғилон шаҳар «Марғилон ҳақиқати» газетаси редакцияси маданият бўлимининг мудири ўртоқ Мамадали **Умаровга** «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Ҳамза район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Фазлиддин Насриддиновни **Ножмиддиновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Ўзбекистон ва жаҳон

ГДР адиблари Тошкентда

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Германия Демократик Республикаси ёзувчилари билан учрашув бўлди. Берлиндан келган меҳмонлар — прозаиклардан Бригитта Хенель, Аннелиза Шульц ва рус тилидан немис тилига ағдарувчи таржимон Кристиан Лихтенфельдни Ўзбекистон ёзувчилари ижодий союзининг структураси, суз усталарининг ижтимоий ва адабий фаолияти, уларнинг чет эллик ҳамкасблари билан алоқалари қизиқтирди.

Республика адибларининг чет мамлакатлар ёзувчилари билан алоқалари тобора кенгаймоқда. Афғонистон ва Ҳиндистон ёзувчиларининг ҳикоялари тўплами ўзбек тилида, Африка шоирларининг шеърлари тўплами қорақалпоқ тилида, Хитой суз усталарининг повестлари тўплами уйғур тилида таржима қилиб чиқарилди. Ана шу мамлакатларда эса ўзбекистонлик авторларнинг китоблари нашр этилган. (ЎзТАГ).

Кўргазма ўз ишини тугаллади

Москвада Красная Пресня виставкалар комплексининг биринчи павильонида поляк ва рус тилларидаги гаплар олти кун давомида эшитилиб турди. ПХР маиший-рўзғор товарларининг катта кўргазмаси бу ерда 24 сентябрь куни ўз ишини тугаллади. Унда қардош мамлакатнинг икки юздан кўпроқ давлат ва кооператив корхонаси ўз маҳсулотларини намойиш қилди.

Экспозицияни бир неча юз минг киши, шу жумладан СССРдаги кўпгина шаҳарлардан келган савдо ташкилотларининг вакиллари келиб кўрдилар. Польша фирмалари Совет Иттифоқидаги шерикларига бир қанча таклифлар киритдилар. Киев, Минск ва Рига, Тошкент, Олмаота ва Саратов савдо ташкилотлари билан бевосита алоқа ўрнатдилар. Экспозициянинг савдо-сотиқ марказида ўзаро манфаатли шартномалар тузиш тўғрисида олиб борилаётган музокаралар тугалланмоқда.

(ТАСС).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Оқибатли бўлайлик»

«Совет Ўзбекистони»нинг 1988 йил 6 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Тошкент ГРЭСида уруш ва меҳнат ветеранларига диққат-эътибор бўшашиб кетганлиги, ҳатто таниқли ишчиларни сўнгги йўлга кузатиш — дафн маросимлари ҳам кўнгилдагидай уюштирилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Мақола юзасидан ТОШКЕНТ ГРЭСИ ДИРЕКТОРИ, ПАРТИЯ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИ ВА КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИ РАИСИ имзолаган расмий жавоб олинди. Жавобда шундай дейилади:

— Мақола ГРЭС маъмурияти, партия ва касаба союз комитетлари билан биргаликда муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди.

Ҳақиқатан ҳам Ленин ордени кавалери, меҳнат ветерани Ф. Отабоевни сўнгги йўлга кузатиш маросими кўнгилдагидай уюштирилмади, митинг ўтказилмади. Шунга қарамай ГРЭС маъмурияти Ф. Отабоев оиласини эътибордан четда қолдирмаяпти. Яқинда 100 сўм миқдорда ёрдам пули ажратилди. Уйи ремонт қилиб берилди. Марҳумнинг қабрига эсдалик тоши ўрнатиш учун қурилиш материаллари ажратилди.

Марказлаштирилган ремонт цехи коллективи Ф. Отабоев оиласига узлуксиз ёрдам бериб боришни ўз зиммасига олди.

Касаба союз комитетининг маъмурият билан бирга кенгайтирилган мажлисида касаба союз комитетининг уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар билан ишлашдаги камчиликлари очиб ташланди. Бу соҳага масъул бўлган касаба союз комитети аъзоларига камчиликларни кўрсатиб ўтилди.

Бу борадаги ишларни активлаштириш мақсадида қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Ветеранлар ва пенсионерлар билан иш олиб бориш масаласи қатъий назоратга олинди.

«КОСМОС—1900» ЙЎЛДОШИ ТЎҒРИСИДА

ТАСС ахбороти

Илгари хабар қилинганидек, 1987 йил 12 декабрь куни Совет Иттифоқида орбитага учирилган ва океанлар сатҳини кузатиш учун мўлжалланган «Космос-1900» йўлдоши билан радиоалоқа узилиб қолди. Йўлдош ичида ядровий энергетика қурилмаси бор.

Ҳозирги вақтда йўлдош белгиланган учишни давом эттирмоқда, унинг асосий хизмат системалари, шу жумладан, энергия билан таъминлаш системаси нормал ишлаб турибди. 1988 йил 22 сентябрда «Космос-1900» йўлдоши орбитасининг параметрлари Ер юзидан энг кўп узоқлашиши 224 километр ва энг кам узоқлашиши 193 километр бўлди.

«Космос-1900» йўлдоши радиация хавфсизлигининг асосий ва такрор системалари билан жиҳозланган бўлиб, космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш БМТ комитетининг тавсияларига мос келади. Асосий система ядровий энергетика қурилмасини энг баланд орбитага олиб чиқишга мўлжалланган бўлиб, ана шу орбитада бўлиш радиактивликни хавфсиз даражагача пасайтиришни таъминлайди. Йўлдош конструкциясида унинг мўлжали бузилган тақдирда баланд орбитага олиб чиқиш системасини автомат равишда ишга солиш, приборлар бўлмасининг зич ёпилишини бартараф этиш ёки энергия таъминоти режимида ўзгариш қилиш кўзда тутилган. Йўлдош билан радиоалоқа бўлмагач, хавфсизликнинг такрорий системаси ишга тушгунга қадар йўлдошни баланд орбитага олиб чиқадиган автомат система ҳар дақиқа ишга тушиши мумкин. Асосий хавфсизлик системаси ишламай қолган тақдирда ишга тушадиган такрорий хавфсиз системаси йўлдош атмосферага кириб келаётганда ва қизиб бошлаганда (тахминан 100 километр баландликда) реакторнинг актив зонасини йўлдошдан ажратиб юборишни таъминлайди. Реактор актив зонасининг ана шу тарика ажралиши ва унинг атмосферага мустақил кириб келиши реактор актив зонасининг атмосферанинг зич қатламларида тўла куйиб кетишини ва ёқилғи майда заррачаларга ажралиб кетишини гарантиялайди, бу эса йўлдош тушадиган районда радиация вазиятига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

Прогнозларга қарағанда, агар ядро энергетика системасининг қурилмаси олдинроқ баланд орбитага олиб чиқиб кетилмаса, барқарор парвоз шароитида атмосферанинг зич қатламларига йўлдошнинг 1988 йил 4.8 октябрда кириши кутилади.

Ҳозирги вақтда «Космос-1900» йўлдошининг мўлжалдаги парвози давом этаётган шароитда унинг атмосфера зич қатламларига кирадиган вақти ва жойини аниқ белгилаб бўлмайди. Совет Иттифоқидаги тегишли хизматлар йўлдошни диққат билан кузатишни давом эттирмоқда. «Космос-1900» йўлдошининг парвози тўғрисида БМТ ва МАГАТЭга расмий билдириш хати юборилди. Йўлдошнинг парвози тўғрисидаги қўшимча хабарлар маълум қилинади.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

1988 йил сентябрь, № 9 (304)

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

УЛОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ

Гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш Озиқ-овқат программасини амалга ошириш нинг муҳим талабларидан бири. Бироқ Андижон область агросаноат комитети колхоз ва совхозларида, корхона, ташкилот ва аҳолининг ёрдамчи хўжаликларида чорвачилик нинг ҳозирги аҳволи мана шу талабларга тўла жавоб бера олади, деб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети масалани чуқур ўрганди. Область агросаноат комитети ёрдамчи хўжаликларнинг гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришдаги ролига етарли баҳо бермаяпти. Уларни ем-хашак билан таъминлаш, озуқа сифатини яхшилаш ёмон аҳволда. Шу сабабли ёрдамчи хўжаликларда чорва моллари семиртирилмай гўштга топшириб юбориляпти. Подада сигирлар сони атиги 26 процентни ташкил этади. Айрим хўжаликларда эса сут бериб турган сигирларни ҳам брак қилиб гўштга топшириш ҳоллари рўй бермоқда. Озуқа таъминоти, унинг сифатини яхшилаш, чорва молларини семиртириш, улардан маҳсулот олишда ҳали ҳам қўшиб ёзишлар ёки ҳисоботларни чалғитиш каби иллатлар учраб турибди.

Шу йилнинг июль ойигача 136 хўжаликдан 26 тасида давлатга 1,8 минг тонна гўшт, 30 хўжаликда 619 тонна сут, 52 хўжаликда 3,5 миллион дона тухум, 25 хўжаликда эса 205 центнер жун кам топширилди.

Область агросаноат комитети корхоналари ва ташкилотлари ёрдамчи хўжаликларида чорва маҳсулотлари етиштиришда қолоқлик ҳамон давом этяпти. Уларда ярим йил ичида ҳар бир ишловчи ҳисобига фақат 3,9 килограмм гўшт, 10,6 килограмм сут етиштирилди. Ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори 410 килограммни ташкил этди. Ёрдамчи хўжаликлар озуқа билан етарли таъминланмагани ва зарур ёрдам берилмагани сабабли 41 минг хонадоннинг 25 проценти ҳеч қандай мол асрамаяпти. Жами хонадонларнинг 40 проценти эса қорамолга эга эмас, 55 процентида сигир йўқ, 44 проценти қўй боқмайди. Область агросаноат комитети аҳволнинг ғоят жиддий эканлигига қарамай, хонадонларда ҳеч қандай тушунтириш ишларини олиб бормаётир.

Область матлубот союзи раисининг ўринбосари Эргашев эса аҳолига аралаш озуқа сотишни назорат қилиб бормайди. Аралаш озуқа қишлоқ Советлари раҳбарлари ва магазинларнинг мудирлари ҳоҳишига қараб сотилмоқда. Магазинлардан аралаш озуқа олиб, давлатга сут топшираётган кишилар рўйхат қилиб борилмаяпти. Избоскан районида 124 тонна аралаш озуқанинг 43,6 тоннаси давлатга маҳсулот топширган кишиларга сотилиши лозим эди. Бироқ назоратнинг йўқлиги сабабли фақат 18 тонна озуқа сотилган, холос.

Андижон шаҳар консерва заводи (директори Маҳмудов) ёрдамчи хўжалиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган. У номигагина ташкил этилган, фақат 9 бош қорамол асралмоқда. Бу моллар ҳам Андижон районидаги Охунбобоев номли совхозидан ижарага олинган молхонада боқилмоқда. Ёрдамчи хўжаликда кейинги бир ярим йил ичида ҳар бир ишловчи ҳисобига тирик вазнда 0,4 килограмм гўшт етиштирилди. Уч бош сигирдан қанча сут соғиб олингани эса номаълум. Бу ерда молларни кўпайтириш ўрнига 2 бош қорамолни бозорда 750 сўмга сотиб юборишди ва шу ернинг ўзида 1590 сўмга 3 бош қорамол сотиб олишди. Бу операция заводга 418 сўм зарар келтирди.

Москва районидаги пахта заводида (директори Ёқубов) ҳам ёрдамчи хўжаликка ана шундай муносабатда бўлишяпти. Бу ерда суғорилмагани сабабли 15,9 гектар ердаги сорго ва қовун-тарвузларнинг бир қисми қуриб қолди. Ҳолбуки, завод уруғлик олиш ва уни экиш учун 4,5 минг сўм сарфлаган эди. 16 бош сигирдан бу йил 64 центнер сут олингани, ҳар бир сигирдан суткасига 2,2 килограммдан сут соғилаётгани сабаби ҳам ёрдамчи хўжалик ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, завод раҳбарларининг бу муҳим ишга нотўғри муносабатда бўлаётганидадир. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, бу муҳим соҳага эътиборсизлик билан қараётган мутасадди раҳбарларга тегишли чора кўрди ва уларга ёрдамчи хўжалик ишини яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни топширди.

ГАП КЎП-У, ИШ ОЗ

Ўзбекистон металлургия заводи республикадаги қолоқ корхоналардан бири бўлиб қоляпти. Бу ерда металл маҳсулотлар сифатини яхшилаш, корхонани техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш даражасини ошириш ҳақида кўп гапирилаётган, тадбирлар белгиланаётган бўлса ҳам ишда ўзгариш сезилмаяпти. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети шу соҳада ўтказилган текшириш натижаларини муҳокама қиларкан, корхона (директори — Анохин, бош инженери — Сафронов, директор ўринбосари — Нилов) шартнома шартларини қониқарсиз бажараётганлигини қайд этди. Пўлат, тайёр прокат, қувур заготовкаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлари мунтазам бажарилмай келаётганлиги сабабли ўтган йили завод шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш топшириғини 97,1 процент, шу йилнинг олти ойида эса 88,6 процент бажарди, холос. Мана шу давр мобайнида 13,8 миллион сўмлик халқ хўжалик маҳсулотларини кам топширди. Завод ўтган йили планда белгиланган 9,5 миллион сўм ўрнига 7,2 миллион сўм даромад олди. Шу йилнинг олти ойида эса 6,4 миллион сўм даромад олиш ўрнига 385 минг сўм зарар кўрди. Корхонанинг тўлов қобилияти асосан юқори органлар бераётган молиявий ёрдам ва банк кредити ҳисобига бўлмоқда.

Заводнинг бундай ночор аҳволга тушиб қолганига асосий сабаб — ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ёмонлиги, интизомнинг бўшашиб кетганлигида. Корхона бу йил хўжаликни юритишнинг янги шароитига ўтган бўлса-да, ишни тубдан қайта қуриб ололмаяпти.

Заводда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 80-90 процентни ташкил этмоқда. Кейинги икки йил ичида мартен, электр билан пўлат эритиш цехлари қувватларидан тўла фойдаланилмагани учун 300 минг тонна пўлат кам ишлаб чиқарилди. Металл шихталари, ёнилғи, электр энергияси эса ортиқча сарфланди, металл маҳсулотлар сифати пасайиб кетди.

Сортли прокат ишлаб чиқаришда ҳам маҳсулот ҳажмини кўпайтириш имкониятларидан етарли фойдаланилмаётир. Ишлаб чиқариш қувватлари гарчи 600 минг тонна маҳсулот тайёрлаш имкониятини берса-да, 1986 йилда 452,3 минг тонна, 1987 йилда 578,5 минг тонна маҳсулот тайёрланди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида эса 1- ва 2-сортли прокат цехлари 50 минг тонна прокатни кам ишлаб чиқарди.

Заводда янги қувватлар жуда суст жорий этилаётир. Масалан, 1157 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «300» прокат стани қурилиши режалаштирилган уч йил ўрнига тўққиз йил олиб борилди. Корхона капитал қурилишдаги пудрат ишларида шартнома шартларини бажармаётгани учун давлат банкига ўтган йили 1,9 миллион сўм, ускуналарни ўз вақтида монтаж қилмагани учун кейинги икки йилда 3,9 миллион сўм жарима тўлади.

Ўтказилган текшириш бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам аҳвол ғоят ташвишли эканлигини кўрсатди. Корхона кейинги бир ярим йил ичида савдо ташкилотларига 14,5 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ғоят паст эканлиги қолоқликка сабаб бўляпти. Масалан, штамповка ускуналари участкасида ишлаб чиқариш қувватларининг 50 процентидангина фойдаланилмоқда. 15 та юқори унумли прессларнинг ярми ишламай тўхтаб турибди. Завод ускуналар тўхтатиб қўйилгани учун ўтган йили 5 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини кам ишлаб чиқарган эди. Техника хизмати, бухгалтерия ҳисоб-китобларида нуқсонлар кўп. Мутахассислар масъулиятини ошириш, уларнинг ўз иш участкаларидаги ролини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш якунларини комитет мажлисида муҳокама қилиб, завод раҳбариятига ишда рўй бераётган нуқсонларни зудлик билан тугатиш тадбирларини белгилашни, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашни топширди.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИДАН

Имкониятлар бой бериляпти

«Қаракалпакстройиндустрия» трести ва унинг бўлинмаларида ишлаб чиқариш қувватларидан пала-партиш фойдаланилаётгани пировард натижада маҳсулот сифатига жиддий путур етказяпти, моддий ресурслар ортиқча сарфланмоқда. Халқ назоратчилари трестда қувватлардан тўла фойдаланилганида автоном республика аҳолиси кўп миқдорда қўшимча уй-жойлар олиши мумкин эканлигини ҳисоблаб чиқишди. Трест бўлинмаларида ишловчиларнинг социал-маиший масалалари билан қониқарсиз шуғулланилмоқда. Уларни уй-жой билан таъминлашга эътиборсиз қараляпти.

Қорақалпоғистон АССР Халқ контроли комитети трест фаолиятида юз бераётган камчиликларни муҳокама қилиб, айбдорларга нисбатан жазо чоралари кўрди ва трест раҳбарларига ишни яхшилаш юзасидан қандай тадбирлар белгиланганлиги ҳақида меҳнат коллективига ҳисоб беришни топширди.

Қоғозда ва амалда

Халқ назоратчилари собиқ Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги пудрат ташкилотлари Навоий районида мелиорация қурилишлари ҳамда уй-жойларни фойдаланишга топшириш планларини қандай бажараётганликларини текширдилар. Бу соҳада жиддий камчиликлар рўй бераётгани аниқланди. Жумладан, лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатсиз бўлгани сабабли қурилиш объектларини қабул қилиш тартиби қўпол тарзда бузилаётир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш таъминланмаётир. Навоий канализини реконструкция қилиш пайтида бош тўғон станциясидаги ишлар тугалланмаган бўлса-да, 9,5 гектар суғориладиган ерни сув билан таъминлаш яхшиланди, деб ҳисоботларга қўшиб ёзилди. «Навоиинрстрой» бошқармасининг Навоий кўчма механизациялашган ва Кармана ихтисослашган кўчма механизациялашган колонналари, «Навоиводстрой» трестига қарашли 2-кўчма механизациялашган колонна қураётган уйларнинг сифати талабга жавоб бермайди. Халқ контроли комитети текшириш якунларини кўриб чиқди ва ишда рўй бераётган нуқсонларни вақтида бартараф этмагани учун кўчма механизациялашган колонналарларнинг раҳбарлари И. Раҳимов, О. Йўлчиевга виговор берди.

Қишда нима берасиз?

Ҳазорасп районидаги хўжаликларда чорва моллари учун озуқа жамғариш суст бормоқда. РАПО мутахассислари бу соҳада талабчанликни бўшаштириб юборишди. Улар жойларга камдан-кам чиқадилар, чорвадорларга зарур ёрдам кўрсатишмаяпти. Лаборатория анализи шуни кўрсатдики, бир қатор колхоз ва совхозларда тайёрланган озуқанинг сифати паст, силос бостириш ва пичан ғарамлаш технологияси бузилмоқда. Халқ назоратчилари ўтказган текширишда «Октябрь», «Коммунизм», Жданов номли, «Ленинград» колхозларида, «Хива», «Хонқа», «Хазорасп», Ленин номли совхозларда ана шундай воқеа содир бўлгани аниқланди. Район бўйича 319 тонна дағал хашак қўшиб ёзилган.

Хоразм область халқ контроли комитети қўшиб ёзгани ҳамда озуқа тайёрлашда камчиликларга йўл қўйгани учун айбдор шахсларни жазолади.

С. ШОКИРОВ.

«Совет Ўзбекистони» рейди

ТАРТИБ БЎЛМАГАЧ...

Фарғона областидаги корхоналарда хўжасизлик ҳукм сурмоқда

Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори М. Кутуев ёки шу корхонанинг дастгоҳлар, асбоб-ускуналар бўлими бошлиги Т. Нишоновнинг уйига ром ёки эшик ўрнатиш лозим бўлсаю, қурувчилар уни ўрнатмай бир неча йиллаб жазирама офтоб ва қор-ёмғир остига ташлаб қўйишса қалай бўларди? Иккала бошлиқ ҳам бунга асло йўл қўйишмасди, албатта. Аммо улар раҳбарлик қилаётган корхонада жами 1 миллион 52 минг сўмлик дастгоҳларва асбоб-ускуналардан фойдаланилмаётганлиги, 851 минг сўмлик асбоб-ускуналарни ўрнатиш муддатлари аллақачон ўтиб кетганини эшитган киши Кутуев билан Нишоновни исрофгар-чиликда айблаши турган гап.

Ҳа, корхонада ҳудди ана шундай воқеа содир бўляпти. Очиқ ҳавода ўнлаб тонна ёғоч-тахта, асбоб-ускуналар уюлиб ётибди. Бу ерда нималарни кўрмайсиз? 1974 йилда келтирилган 62 дона ҳаво совутгич, ҳали бирор марта ҳам ишлатилмаган, аммо занг босиб улгурган турли контейнерлар, қайноқ қатламларда ишлатишга мўлжалланган аппаратлар, калций содаси солинган қоплар... Бирлашма омбор хўжалиги бошлиғи В. Малигин ҳаво совутгичларнинг бундан уч йил аввал ҳам худди шу аҳволда ётганини айтаркан:

— Бу ускуналар ўзи очиқ ҳавода сақлашга мўлжалланган, — деб баҳона қилди.

— Ахир улар занглаб, чирий бошлабдику?

— Ҳечқиси йўқ, ўрнатишдан аввал бўяб қўяқолишади, — деди В. Малигин бамайлихотир.

Шу йил баҳорда область халқ контроли комитети ходимлари текшириш ўтказиб, бирлашмада жуда кўп дастгоҳ ва ускуналарнинг ўрнатилиш муддатлари ўтиб кетганлигини аниқлаган эдилар. Аммо шундан кейин ҳам ишда аҳвол ўзгармади. Бунинг устига бирлашма раҳбарлари қарийб 230 минг сўмлик ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни статистик ҳисоботга киритмай яшириб қолишган ва шу сабабли улар қаттиқ огоҳлантирилган эдилар. Бирлашма директорининг ўринбосари С. Эминов, «Бу соҳада изчил иш олиб боряпмиз. Тўпланиб қолган орттирма асбоб-ускуналарни бошқа корхоналарга сотиб юбораяпмиз. Қолганларини эса зудлик билан ўрнатиш чораларини кўряпмиз», деб айтди. Бироқ мавжуд аҳвол бу гаплар уқувсизлик ва бепарволикни пардалаш учун баҳона эканлигини кўрсатади.

Баҳорда ўтказилган халқ назоратчилари текшириши пайтида Марғилон ёғочни қайта ишлаш заводида 24 минг сўмлик асбоб-ускуналарнинг ўрнатилмай бекор тургани аниқланган, завод раҳбарлари ўша пайтда тавба-тазарру қилиб, камчиликларни зудлик билан тузатишга ваъда беришган эди.

— Корхонамизда ўрнатилмай ётган ускуна ва дастгоҳлар умуман йўқ. Биз янги олиб келинган ускуналарни дарҳол ўрнатиб, ундан самара олишни кўзлаяпмиз, — деб таъкидлади биз билан суҳбатда завод бош инженери А. Ҳошимов.

Афсуски, омбор инженер мақтанганидек саранжом-саришта эмас экан. Келтирилган юклар, тартибсиз равишда аралаш-қуралаш ташлаб қўйилган. Омбор томи илма-тешик бўлиб кетган.

Ускуналарнинг ўз вақтида ўрнатилиши ҳақидаги гаплар ҳам ёлғон бўлиб чиқди. Завод ҳовлисида Жалолобод шаҳридан келтирилган конвейер редуктори занг босиб ётибди. Шу ерда 6 тўп транспортер лентасини ҳам ташлаб қўйишибди. «Лента тўпларини яқиндагина ташқарига олиб чиқдик, хона ремонт бўлаётган эди», — деб баҳона қилишди. Цехлардан бирида эса тахта четини силлиқлайдиган «ОКА-511» маркали дастгоҳга кўзимиз тушди. 1980 йилда заводдан чиққан 12 минг сўм турадиган бу дастгоҳ корхонага апрель ойида келтирилган. А. Ҳошимовнинг айтишича, бу дастгоҳни янги реконструкция қилинаётган цехга ўрнатиш мўлжалланган эмиш. Аммо у дастгоҳ қачон ўрнатилишини айтиб бера олмади.

«Ферганаирстрой» трести техник ишлаб чиқариш таъминоти бошқармаси қаршисида 1984 йилдан буён ғаройиб бир қурилма турибди. «М 6-17 А» маркали бетон ётқизиш қурилмаси бу ерга адашиб келиб қолган экан. Бошқарма бошлиғи И. Абдуллаевнинг айтишича, 15364 сўм турадиган бу қимматбаҳо қурилмадан амалда фойдаланишнинг иложи йўқмиш.

— Юқори ташкилотларга бу ҳақда кўп мурожаат қилдик. Аммо кераксиз қурилмадан бизни халос қилиш маяпти, — деди у.

Рейд аъзолари бошқа бир қанча корхоналар ва ташкилотларда ҳам бўлишди. Аммо текшириш пайтида шу нарса маълум бўлдики, областдаги айрим корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари халқ контроли органлари ўтган йили ва шу йил баҳорида ўтказган текширишлар якунларидан хулоса чиқариб олмаганлар. Уларнинг кўплари статистик ҳисоботга кирмай қолган, ўрнатилмаган ускуналар бўйича комиссиялар тузиш билангина чекланишган. Бунинг устига айрим раҳбарлар танбеҳ эшитишдан қочиб, статистик ҳисоботларда ўрнатилмаган ускуналар сонини камайтириб кўрсатиш йўлига ўтиб олишган. Фарғона уйсозлик комбинати, «Электромаш» заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Файзиобод комбинати, Қўқон мебель фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналарда ўз вақтида ўрнатилмаган ускуналар сони жуда кўп. Нақд пул тўлаб келтирилган ускуналарнинг йиллаб ўрнатилмай ётиши халқ мулкини қўкка совуриш, бориб турган хўжасизлик эмасми? Мана шу корхона ва ташкилотлардаги халқ контроли группа ва постлар аъзолари эса хўжасизлик фактларидан кўз юмиб, локайд раҳбарлар билан муроса қилиб келмоқдалар. Халқ мулкига бепарволик, хўжасизларча муносабатда бўлаётган шахсларга нисбатан талаб қатъий бўлиши лозим.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

С. ОҒАЛИҚОВ,
Фарғона область халқ контроли комитетининг инспектори.

Назорат ойнасида ёрдамчи хўжалик

МУҲИМ СОҲА МАСЪУЛИЯТИ

Корхона, ташкилот ва гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш шу кунниг муҳим талабларидан бири. Бироқ районимизда кейинги йилларда бу соҳа анча сусайиб кетди. Масалан, 1982 йилда район ташкилотлари қошида 20 та ёрдамчи хўжалик бор эди, ўтган йилга келиб уларнинг сони тўққизтага тушиб қолди. Шахсий хонадонлардаги моллар сони ҳам анча камайиб кетди.

Бундай аҳвол ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини назорат қилиб боришни кучайтириш, бу ишни халқ контроли зиммасига олиш заруратини тугдирди. Район халқ контроли органи ёрдамчи хўжаликларни ўз оталиғига олгачгина, бу соҳада ижобий ўзгариш бўлди. Ҳозир корхона, ташкилот ва муассасалар қошидаги ёрдамчи хўжаликлар сони 14 тага етди.

Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти ёрдамчи хўжалиги шу пайтгача фойда ўрнига нуқул зарар келтирарди. Ўтган йили институт халқ назоратчиларининг таклифи билан бу ерда бригада пудрати жорий этилди. Ишловчилар сони қисқартирилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароити ва ҳақ тўлашнинг янгича усуллари қўлланила бошлади. Натижа ёмон бўлмади. Ўтган йили ёрдамчи хўжаликда 18,9 тонна гўшт, 27,6 тонна сут ишлаб чиқарилди. Ҳар бош сигирдан ўртача 3860 килограммдан сут соғиб олинди. Илгари ёрдамчи хўжалик ишчилари ҳар ойда ўртача 166 сўмдан иш ҳақи олган бўлсалар, эндиликда бу кўрсаткич 300 сўмданга етди. Хўжаликнинг бу йилги ишлари ҳам ёмон эмас. Ўтган даврда 10 тоннага яқин гўшт, 30 тоннадан ортиқ сут болалар боғчасига, институт ходимлари ва шу ерлик аҳолига етказиб берилди.

Халқ назоратчиларининг амалий ёрдами билан «Дамачи» балиқчилик хўжалигининг ёрдамчи хўжалиги ҳам ривожланмоқда. Бу ерда шу йилнинг апрель ойида оилавий пудрат асосида қўёнчилик фермаси ташкил этилди. Ҳозир хўжаликда 500 дан ортиқ қўён боқилмоқда. Йил охиригача қўёнларни 3000 бошга кўпайтириш, сўйиш ва терини қайта ишлаш цехи барпо этиш мўлжалланмоқда.


Халқ назоратчиларининг таклифи билан райондаги «Иваново», «Ўзгариш» совхозларида, Куйбишев номли колхоз, район ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида қўзиқорин етиштириш ёрдамчи хўжаликлари ташкил этилди. «Қорасув» совхозида ижара пудрати асосида ишлайдиган иккита звено тузилди. Уларнинг ҳар бирига 3 йиллик муддат билан 10 гектардан маккажўхори етиштириш учун ер ажратиб берилди. Ҳозир бу звеноларнинг ишлари яхши кетяпти. Чунки хўжалик назоратчилари ишга тўғаноқ бўлаётган камчиликларни тугатишда яқиндан ёрдам беришяпти.

Шу билан бирга, район халқ контроли комитети олдида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Шаҳар кенгайиши ҳисобига ҳар йили 300—350 гектар суғориладиган майдонларнинг қисқариши ер танқислигини вужудга келтирмоқда. Район чорвачилигидаги мавжуд 18 минг бошдан зиёд қорамол ҳисобига атиги 4000 гектар ерда озуқабоп экинлар етиштирилади. Райондаги 14 та корхона, ташкилот ва муассасалар ёрдамчи хўжаликларининг деярли ярмида озуқа етиштириш учун ер майдони йўқ. Шунинг учун ҳам айрим ёрдамчи хўжаликлар фақат зарар кўрмоқда. Кўпгина оилалар шахсий мол сақлашдан бош тортмоқдалар. Халқ назоратчилари хўжаликлар томонидан аҳолига шартнома асосида ем-хашак, боқиш учун бузоқлар ажратиш ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Фақат шу йўл билангина ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш ва аҳолининг гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин.

А. РУСТАМОВ,
Калинин район халқ контроли комитети раиси.

ФОТОАЙБНОМА

Тарвуз кўп эмиш...



Республикамиз полизларида етиштирилаётган ширин-шакар қовун-тарвузлар довруғи барчага маълум. Улар Ватанимизнинг марказий шаҳарларидан тортиб, Узоқ Шарққача кун сайин пешма-пеш жўнатилмоқда. Аммо бу иш бир жойда намунали ташкил этилган бўлса, бир жойда...

Яқинда Дўстлик район тайёрлов идорасининг қовун-тарвузлар қабул қилиш пунктида бўлдик. Маҳсулот юкланган автомашиналар, тележкалар ҳафталаб вагон кутиб ётарди. Пункт раҳбарларининг эса парвойи палак.

— Пунктда ҳозир сал кам 60 тонна тарвуз вагон кутиб ётибди, — дейди пункт мудири Т. Норматов. — Сўнгги кунларда бирорта ҳам вагон берилгани йўқ.

Станция бошлиғи Ж. Раҳматов эса айбни «Ўзбекбирлашув» раҳбарларига тўнкади. Гўё, «бу йил тарвуз шартномада белгиланганидан кўп» етиштирилганмиш...


Савол туғилади: хўш, маҳсулот кўп етиштирилган бўлса, энди у исроф бўлиши керакми! Жавоб учун сўз — «Ўзбекбирлашув» раҳбарларига.

У. ҚУШВОҚОВ,
Фотолар авторники.

Ташвишли сигналлар

БИР-БИРИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Фарғона областида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва уни аҳолига етказиб беришда баъзи камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, уйрўзғор буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп. Жумладан, Қува мебель комбинати шу йилнинг биринчи ярмида харидорларга бир миллион сўмликдан ортиқ мебель етказиб бермади. Бунинг сабаби оддий: бу ерда бузилиш, техника воситаларининг носозлиги туфайли кўплаб жиҳозларнинг бефойда туриб қолиши одат тусига айланган.




Ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифати ҳам тобора пасайиб боряпти. Шу йилнинг олти ойи давомида ўтган йилдагига нисбатан тўрт марта кўп рекламация олинганни ва 6 минг сўм жарима тўланганни ҳам бунинг далилидир. Бундай нуқсонларга Фарғона мебель комбинатида ҳам йўл қўйилмоқда. Умуман, область мебель фабрикалари брак буюмлар ишлаб чиқариш ва жарима тўлаш бўйича бири-биридан қолишмаяпти.

Область халқ контроли комитети мебель корхоналари бўйича ўтказган текширишлар якунини кўриб чиқиб, Қува мебель комбинати директори ва бош инженери Ш. Эргашев ва З. Мадумаровни, Қўқон мебель фабрикаси бош инженери Р. Мухторовни, Фарғона мебель фабрикаси директори ўринбосари ва бош инженер К. Мараммов ва Г. Ткаченконн маъмурий жавобгарликка тортди.

ВАЪДАБОЗЛАР

Самарқанд область уй-жойлар хўжалиги бирлашмаси, шаҳар ремонт-қурилиш трести ва шаҳар уй-жойлар хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси аҳолининг шикоят ва хатларига бюрократларча муносабатда бўлмоқдалар. Буни Самарқанд шаҳар «Партия XXIII съезди» кўчасидаги 29-уйда яшаётган кишиларнинг шикоят хати мисолида ҳам кўриш мумкин.

1987 йил бошида область уй-жойлар хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Ш. Хатамов, Самарқанд шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Литбович ва Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри В. Михайлов йил охиригача уйни комплекс ремонтдан чиқариш тўғрисида ваъда беришганди. Бироқ ваъда ваъдалигича қолди. Ремонт ишлари талаб даражасида ташкил этилмади. 71-ремонт-қурилиш бошқармаси томонидан ўтган йили 38 минг сўмлик иш бажарилиши лозим эди, 11,3 минг сўмлик ремонт ишлари амалга оширилди, холос. Бу йил ҳам ремонт ишлари жуда секинлик билан бормоқда. Яъни шу йилнинг биринчи ярмида планда кўзда тутилган 31,1 минг сўм ўрнига 14 минг сўмлик иш бажарилди. Бунинг устига ремонтчилар асосий ишлар четда қолиб, майда-чуйда юмушлар билан банд бўлишяпти.



Ажабланарлиси шундаки, шаҳар ремонт-қурилиш трести раҳбарлари камчилик ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига, баҳона қидиришмоқда. Гўёки жорий ремонт ишларининг чўзилиб кетаётганига қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб берилмаётгани сабаб бўлаётганмиш. Текшириш натижалари эса мутлақо бунинг аксини кўрсатди. Фақат 71-ремонт-қурилиш бошқармасининг ўзида йил бошида 150 тонна цемент, 1400 квадрат метр ойна, 460 килограмм бўёқ ҳисоб-китобдан яшириб қолинди. 130-ремонт-қурилиш бошқармасида эса 27,5 километр қувур ва бошқа кўплаб қурилиш материаллари яширилди.

Область халқ контроли комитети бундай камчиликларга йўл қўйгани учун шаҳар ремонт-қурилиш трести бошқарувчиси Р. Исахаровга ва шаҳар ижроия комитети уй-жойлар хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи И. Фурманга виговор, 71- ва 130-ремонт-қурилиш бошқармалари бошлиқлари О. Дувонов ва Д. Аллаёровга қаттиқ виговор эълон қилди.

ЭСКИЧА УСЛУБ

«Ўзбекбургаз» трести фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Асосий фондларни ишга тушириш плани барбод бўлиб, асбоб-ускуналарнинг бефойда туриб қолиши тобора ортиб боряпти. Ўтган йили бургулаш асбобларини 20 минг соатдан ортиқ вақт ишсиз туриб қолди, бу барча иш вақтининг 15 процентини ташкил этади.

Бундан ташқари иш жараёнида кўплаб авария содир бўлмоқда. Ўтган йили 17 та



ана шундай ҳодиса юз берган бўлса, шу йилнинг биринчи ярмида бундай кўнгилсиз воқеалар етти марта содир бўлди. Буларнинг ҳаммасига асосан техника хавфсизлигига риоя қилинмаётгани, кадрларнинг касб тайёргарлиги етишмаётгани ва кўп ҳолларда бош мутахассисларнинг лоқайдлиги, бепарволиги сабаб бўляпти. Мана шу камчиликлар ўз навбатида бургулаш ишларининг сифатига ҳам салбий таъсир этмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда иш сифати янада пасайиб кетди. Моддий ресурслардан самарасиз фойдаланиляпти, кўп ҳолларда эса талон-торож қилинишига йўл қўйилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси трест раҳбарлари эскича иш усули ва услубларидан воз кечаолмаётганини кўрсатиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, бу ерда амалий ишдан кўра, кўпроқ буйруқбозлик ҳукм сурмоқда.

Яқинда Бухоро область халқ контроли комитети трестда текшириш ўтказиб, унинг якунига кўра трест бош инженери А. Теригуловни, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Н. Киселевни маъмурий жавобгарликка тортди. Шунингдек, бошқа масъул шахсларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ВА МЕҲР-ШАФҚАТ

БУГУН ТОШКЕНТДА МЕДИК-ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРНИНГ БИРИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИ ОЧИЛАДИ

«Медицинская газета» редакцияси, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина ходимлари касаба союзи марказий комитети, СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамияти кенгаши ижроия комитетининг Мудофаа министрлиги ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитети иштирокида ташкил этган бу слётида 200 дан ортиқ делегат ва меҳмон қатнашади. Улар орасида Афғонистонда ўз интернационал бурчини бажарган врачлар, ўрта ва кичик бўғин медицина ходимлари, шунингдек Ангола, Эфиопия, Кампучия ва бошқа мамлакатларда ишлаган кишилар бор. Слётда афғон врачлари ва Ўзбекистонда таълим олаётган студент-мединклар иштирок этишади.

ЎзТАГ мухбири И. Хисомовнинг слет ташкилот комитети раиси, «Медицинская газета»синнинг бош редактори К. Шчеглов билан қилган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз:

— Константин Вячеславович, слёт ўтказиш ғояси қандай пайдо бўлди?

— Ҳаммаси Москва поликлиникаларидан бирида ишлаётган фельдшер А. Грязнованинг хатидан бошланди. А. Грязнова одатдаги тинч ҳаётга қайтганидан сўнг уни нималар тўлқинлантираётгани ҳамда ташвишга солаётгани ҳақида жуда самимий ва айни вақтда очиқ-ойдин фикр билдирган, бу муаммоларни бошқа медик-интернационалистлар билан биргаликда муҳокама қилишни таклиф этган эди. Биз бу хатни шу йилнинг 10 июнида эълон қилдик. Ўқувчилардан жуда кўплаб мактублар олдик, телефон қўнғироқлари бўлди, редакцияда бўлган учрашувлар слет ўтказиш ғояси тўғрилигини исботлади.

— Бу ғоянинг моҳияти нимада?

— Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари қисмларида 1979 йилдан бери 15 мингга яқин граждан медицина ходими хизмат қилди. Улар яралар бўлган жангчиларга ҳамда тинч аҳолига ёрдам бериб фидокорлик кўрсатдилар. Ана шу фидойилар орасида ҳалок бўлганлар ҳам, яралорлар ҳам, жанговар орден ва медаллар билан мукофотланганлар ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги оғир юқумли касалликларни бошларидан кечирдилар. Граждан мединклар ўзларининг ҳарбий ҳамкасблари қандай ишларни бажарган бўлсалар, худди шундай ишни адо этдилар. Лекин Ватанига қайтиб келгач, улар ҳарбий хизматчилар учун белгилаб қўйилган имтиёзларга эга бўлмадилар. «Биз граждан врачлар билан операция столи ёнида бирга бўлганмиз, оғир яралорларни қутқариш мақсадида бир вертолетда учганмиз. Бу ерда, она-Ватанда эса ҳуқуқларимиз ҳар хил — бу ахир бемаъни гап», — госпитал бошлиғи подполковник Ю. Немитин бизга ана шундай деб ёзди. Бундай хатлар жуда кўп.

Бироқ бу ишнинг бир томони, холос. Бутун жамиятимиз медик-интернационалистларнинг юксак профессионал маҳорати, гражданлик ва аҳлоқий имкониятларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишдан манфаатдордир. Масалан, ҳозир яраланган ва мажруҳ бўлган жангчиларнинг соғлиғини тиклаш ва социал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари ўткир бўлиб турибди. Бу ўринда врачлар ва ҳамширалар-нинг Афғонистон госпиталларида орттирган тажрибасининг аҳамияти жуда беқиёсдир.

— Бу слётга делегатлар қандай танланди?

— Слёт ғояларидан бири — медик-интернационалистлар куч-ғайратларини бирлаштириш ғояси у бошлангунга қадар қисман рўёбга вертолетда учганмиз. Бу ерда, она-Ватанда эса ҳуқуқларимиз ҳар хил — бу ахир бемаъни гап», — госпитал бошлиғи подполковник Ю. Немитин бизга ана шундай деб ёзди. Бундай хатлар жуда кўп.

Бироқ бу ишнинг бир томони, холос. Бутун жамиятимиз медик-интернационалистларнинг юксак профессионал маҳорати, гражданлик ва аҳлоқий имкониятларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишдан манфаатдордир. Масалан, ҳозир яраланган ва мажруҳ бўлган жангчиларнинг соғлиғини тиклаш ва социал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари ўткир бўлиб турибди. Бу ўринда врачлар ва ҳамширалар-нинг Афғонистон госпиталларида орттирган тажрибасининг аҳамияти жуда беқиёсдир.

— Слёт программаси ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

У беш кун давом этади. Жангчи-интернационалистларининг соғлиғини тиклаш ва социал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, медик-интернационалистларнинг социал статуси муаммолари юзасидан мунозаралар бўлади. Ана шу масалалар бўйича конкрет қарорлар ва расмий органларга таклифлар қабул қилишни мўлжаллаб турибмиз. Врачлар, Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг вакиллари, жангчи-интернационалистлар билан учрашувлар бўлади, Тошкент госпиталига борилади. Бундан ташқари 28 сентябрда В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройида ҳайрия концерти, 29 сентябрда эса мамлакат ва Ўзбекистон футбол ветеранлари ўртасида футбол бўйича ҳайрия учрашуви бўлади. Эдуард Стрельцов, Альберт Шестернев, Геннадий Ловчев ва совет футболи бошқа юлдузлари бу ўйинда қатнашиш учун таклиф этилдилар. Улар бу таклифни зўр мамнуният билан қабул қилдилар.

— Слётни ташкил этишда муаммолар бўлдими? Чунки мазкур слёт, эҳтимол, «Медицина газетаси» фаолиятида шундай тадбирларнинг дастлабкисидир...

— Муаммолар жуда кўп. Уларни ёлғиз ўзимиз ҳал қилолмас эдик. Лекин, биз ёрдам сўраб мурожаат этган ташкилотларнинг аксарият кўпчилиги, одамлар ғоямизни чуқур тушуниб ҳамдардлик билан муносабатда бўлдилар. Бизга виждонан ёрдам беришди. Слёт «мезбонлари» — тошкентликлар биз нимаики таклиф қилган бўлсак, ҳаммасини амалга оширдилар. Хуллас, медик-интернационалистларнинг шу даражада кенг кўламли дастлабки учрашуви муваффақиятли ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

— Бундай тадбирлар яна давом эттириладими?

— Иккинчи слётни 1990 йилда ўтказишни мўлжаллаб турибмиз.

ТЕЗ ЁРДАМ — 70 ЁШДА

Тошкентдаги тез ва шошилинч медицина ёрдами хизматининг 70 йиллигига бағишлаб республика пойтахтида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференция қатнашчилари соғлиқни сақлашни ривожлантиришга тез ёрдамнинг катта ҳиссасини уқтириб, Ўзбекистонда тез ва шошилинч медицина ёрдамининг ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш муаммоларини кўриб чиқдилар, уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар. Қишлоқ районларида бу ёрдамнинг самарадорлигини ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Республика конференциясининг қатнашчилари — врачлар, илмий ходимлар, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари тажриба алмашдилар, Ўзбекистон пойтахти энг яхши тез ёрдам бригадалари ва подстанцияларининг иши билан танишдилар. (ЎзТАГ).

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

СВЕТОФОРДА ЯРИМ ЙИЛ

Сўнгги статистика маълумотига қараганда «ўрта» табақадаги америкалик умрининг олти йилини овқатланишга, тўрт йилини уй йиғиштиришга, икки йилини эса телефонда танишини қидиришга, саккиз ойини рекламаларни кўздан кечиришга, олти ойини эса светофорнинг яшил чироғини кутишга сарфлар экан.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар: КПСС тарихи (тарих фанлари доктори ёки кандидати), умумтехника предмети (2), физика ва ишлаб чиқариш асослари (техника фанлари докторлари ёки кандидатлари), педагогика ва психология (педагогика фанлари доктори ёки кандидати);

катта ўқитувчилар: биология ва география («химия» ихтисослиги бўйича — химия фанлари доктори ёки кандидати), «биология» ихтисослиги бўйича (биология фанлари доктори ёки кандидати); рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси — 2 (педагогика фанлари доктори ёки кандидати); рус тили (факультетлараро) — 2 филология ёки педагогика фанлари кандидатлари), КПСС тарихи (тарих фанлари кандидати), фалсафа (фалсафа фанлари кандидати), жисмоний тарбия (2);

ўқитувчилар: илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод («сиёсий иқтисод» ихтисослиги бўйича», рус тилида —2), рус тили (факультетлараро, 4), рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси (4), рус ва чет эл адабиёти, жисмоний тарбия (7), умумтехника фанлари (3), математика, алгебра ҳамда математикани ўқитиш методикаси, педагогика ва психология (2).

Конкурс муддати — 10 октябргача.

Ҳужжатлар низомга мувофиқ қуйидаги адресга юборилсин: 740000, Урганч шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй, илмий секретарга.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: полиграфия ишлаб чиқариш технологияси, назарий химия;

доцентлар: сиёсий иқтисод — 2 (1-рус тилида ва 1-ўзбек тилида), машиналар деталлари, тўқимачилик материалшунослиги, олий математика;

катта ўқитувчилар: инглиз тили, механизмлар ва машиналар назарияси, сиёсий иқтисод (рус тилида), фалсафа;

ассистентлар: трикотаж ишлаб чиқариш технологияси (2), тикув буюмларини конструкциялаш, чармдан тайёрланадиган маҳсулотлар технологияси, юқори молекулали бирикмаларнинг химиявий технологияси, инглиз тили, меҳнат муҳофазаси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Горбунов кўчаси, 5-уй, кадрлар бўлими.

КООПЕРАТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

СИЗ ФАҚАТ «ЭКОНОМИКА И ЖИЗНЬ» ЖУРНАЛИДА

пудрат, ижара, акциялар ҳақида якка тартибдаги ва кооператив меҳнат фаолияти учун зарур бўлган барча нарсаларга қандай эга бўлиш тўғрисида

ТЎЛА МАЪЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Журнал қандай қилиб кооператив ташкил этиш мумкин; фойдали маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашёни қаердан олса бўлади; жиҳозларни кимдан сотиб олиш мумкин; бухгалтерия ҳисобини қандай ташкил этиш керак; шартномани қай таҳлитда тузиш мумкин? — деган саволларга жавоб беради.

Сиз нимани сотишингиз ёки нима сотиб олишингиз тўғрисидаги ўз эълонингизни журналда чиқаришингиз мумкин. Ҳар бир кв. сантиметр жой баҳоси — 66 тийин.

Агар сиз доимий журналхонимиз бўлсангиз ўшанда кўпроқ фойдали бўлади ва шу тариқа ўрта Осиёда ягона бўлган экономика журнали мунтазам ёритиб борадиган коммерция манфаатлари йўлига кириб оласиз.

Журнал индекси — 75480. Обуна баҳоси — 6 сўм.

ЭСДА ТУТИНГ!

«ЭКОНОМИКА И ЖИЗНЬ» СИЗНИНГ ЖУРНАЛИНГИЗ.

Агар барча кооператорлар журналимизга обуна бўлишса шу тариқа улар журнални коммерция ахборотини тарқатиш воситасига айлантирадилар ва ундан олинадиган самара анча ошади.

«ЭКОНОМИКА И ЖИЗНЬ» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИЯСИ.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент махсус мебеллар заводи ва Тошкент лойиҳа-конструкторлик технология бюроси

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидан ажралиб чиқиши муносабати билан

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

1 ОКТЯБРДА ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 1 ноябрга қадар қуйидаги адресда қабул қилинади: 700121, Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, 6-уй.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ИҲЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

сиртқи таълимнинг барча ихтисосликлари бўйича

5-курс студентлари эътиборига

йўл-йўриқ берувчи сессия 3 октябрдан 10 октябргача

барча ихтисосликлар бўйича 6-курс студентлари учун ўқув-имтиҳонлар сессияси 3 ОКТЯБРДАН 13 ОКТЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IX да **Иоланта**, 28/IX да **Севги тумори.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛ ТЕАТРИДА — 28/IX да **Мангулик.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IX да **Узоқ қишлоқ** (19.00), 28/IX да **Келинлар қўзғолони** (19.00).

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, халқ маорифи ходимлари малакасини ошириш факультети мазкур факультет доценти М. Аҳмедовага отаси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер. 1924 йилдан КПСС аъзоси

Акром АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

• *Мухбиримиз бонг уради*

МАВҚЕИНИ ЙЎҚОТГАН МАСКАН

ЕКИ НУКУС МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ ТАШВИШЛИ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Нукус шаҳрида кейинги йилларда янги корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Бу билан корхоналарда ишловчилар сони ҳам кескин кўпайиб боряпти. Уларга хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат магазинлари, умумовқатланиш муассасалари ҳам барпо этилаётир. Лекин шаҳар аҳолисининг маданий дам олиши ҳамон муаммолигича қолиб келяпти.

Марказда биттагина «Победа» маданият ва истироҳат боғи бор, унинг иши мутлақо талабга жавоб бермайди. Бу ҳақда мана неча йилдан бери гап боради, газеталарда танқид қилинади, лекин амалий иш қилинмайди. Баҳор ойларида амалга оширилган айрим майда-чуйда ишларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Йил бошидан «ундай қиламиз, бундай қиламиз» деган ваъдалар берилиб, катта-катта планлар белгиланади. Кейин унинг ижроси билан қизиқадиган одам бўлмайди.

Боғнинг моддий-техника базаси ҳам йўқ. Шу сабабли ҳам бу ер зерикарли бўлиб қоляпти. Бу ердаги яшил эстрада, ёзги театрда кўрсатиладиган кинофильмлар, концертлар, учрашувлар, савол-жавоблар тор доирада ўтказилади.

Бундан уч йил илгари қурилиб, фойдаланишга туширилган болалар автодроми ишдан чиқяпти. Дастлабки йили 14 та, орадан икки йил ўтгач учта автомобиль ишлади. Ўтган йили уларнинг ҳаммаси ҳам ишдан чиқди. Бу йил эса уларнинг бирортаси ҳам ремонт қилинмади, янгиси эса сотиб олинмади. «Ветерок», «Березка» аргимчоқлари уч йилдан бери ишламайди.

— Боғнинг боғ бўлиши учун, — дейди мураккаб аттракцион мудири Марат Ёрниёзов, — шаҳар ижроия комитети, Қорақалпоғистон АССР Маданият министрлиги молиявий ёрдам кўрсатишлари керак. Лекин улар бу соҳада амалий ёрдам кўрсатишмаяпти. Улар маблағ билан таъминламас экан, боғнинг аҳволи бундан ҳам ёмонлашиб кетиши мумкин.

Бу йил планлаштирилган болалар автошаҳарчаси, шахмат-шашка павильони, ўқув зали қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. Амалда бу ишга маблағ йўқлигидан бажарилмади. Бунинг устига ҳар йили боғнинг атрофини девор билан ўраш планлаштирилади, аммо бажарилмайди. Бу ерда санузель йўқдир. Тўғри, бундан беш-олти йил илгари қурилгани бор эди, аммо у яроқсиз ҳолга келганлиги учун беркитиб ташланган, ишламайди.

Шу билан бирга боғ ерлари камайиб кетяпти. Биз маданият ва истироҳат боғи директори О. Ожгреевич билан суҳбатлашдик. У боғни яхшилашда, меҳнаткашларнинг яхши дам олишини ташкил этишда ечилмаётган муаммолар ҳақида гапириб берди.

— Турғунлик йилларида автоном республика ва шаҳар партия, совет раҳбарлари меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари тўғрисида қайғуришмади. Боғимизнинг жануби-ғарбий қисми Санъат музейи қуришга ажратиб берилди.

Бунга ким рухсат берди? Бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР маданият министри ўринбосари Ж. Қидирбоевдан сўрадик.

— Бу музейни қуриш, уни қаерда барпо этиш кераклиги тўғрисида биз билан ҳеч ким ҳисоб-китоб қилмади, — деди у. — Бир миллион 70 минг сўмлик лойиҳа-сметаси тайёр бўлди, музей маданият ва истироҳат боғида қурилади, деган хабарни эшитдик. Қурилишни 166-қурилиш трести бинокорлари бошлаб юбордилар. 1981 йили 63 минг сўмликка етар-етмас иш бажарилгани билан музей қурилиши қолиб кетди.

Хуллас, ажратилган жойда музей қурилиши давом эттириладими, йўқми — ҳеч ким жавоб бера олмади. Боғ дирекцияси эса аттракцион тармоқларини кенгайтириш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришда қийналмоқда.

Боғнинг йилдан-йилга йўқолиб бораётгани ва уни илгариги ҳолига келтириш кераклигини шаҳар партия комитети (биринчи секретари А. Асанов), шаҳар ижроия комитети (раиси А. Якушин) раҳбарлари яхши билишади. Улар зудлик билан боғни меҳнаткашларнинг ҳақиқий дам олиш масканига айлантириш учун амалий чоратадбирларни амалга оширишлари керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.







МАРОҚЛИ ДАМ ОЛМОҚДАЛАР

Қизилтепа шаҳри марказидаги «Ғалаба» маданият ва дам олиш парки ҳар куни аҳоли билан гавжум. У 50 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Бу ерда дам олиш учун барча шароитлар яратилган.

Объектларни «Союзкультстроймонтаж» трестининг монтажчилари ва 216-колхозлараро механизациялашган қўчма коллонаси бунёдкорлари тез ва соз бунёд этишди.

Суратларда: парк бағридаги ҳаёт лавҳалари.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.



● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ЗАРҲАЛЛАНГАН КУМУШ

Олимпиада мусобақалари довон ошиб, марра сари илдамламоқда. Унлаб спорт турлари бўйича қизғин кураш олиб бораётган олимпиадачилар шу ҳафта охирида баҳсларга якун ясайдилар. Зотан Олимпиада машъаласи мунтазам ва қизғин баҳслар дараксиз сифатида ловулламоқда. Юз минглаб мухлислар эса беҳаловат кунларни бошдан кечирмоқдалар. Ўзига хос ором йўқотган ишқибозлар «зангори экран» қаршисида ўзлари севган спортчи-ю командаларга «куюнмоқдалар». Умуман ёзги Олимпиада мусобақалари «зангори экран» хосияти туфайли миллионларга қувонч бахш этмоқда.

Ўтган дам олиш кунлари совет спортчилари учун муваффақиятли кечди. Олимпиадачиларимиз олтин медаллар жамғармасини янада кўпайтиришга имкон топдилар. Якшанба куни яна беш спортчимиз Олимпиада чемпиони бўлди. Ҳозир совет олимпиадачилари жами 68 (шундан 30 таси олтин) медаль тўплаб, норасмий умумкоманда ҳисобида пешқадамлик қилишмоқда. Олтин медалларини 25 тага етказган ГДР командаси иккинчи, 12 та олтин медалли АҚШ спортчилари учинчи ўринни эгаллаб туришибди.



Маълумки, Олимпиадада республикамиз 9 спортчиси қатнашмоқда. Ҳозирча сузувчиларимиз Сергей Заболотнов икки марта тўртинчи ўринни олиш билан қаноатланишга мажбур бўлди. Оғир атлетикачи Ноил Муҳамадиёров эса астойдил баҳслашиб, Олимпиаданинг кумуш медалини қўлга киритди. Олимпиадага номзодлар сараланган кезларда мутахассислар бу спортчига бироз иккиланиш билан қарашган эди. Боиси Ноил ўзини шу йилги мусобақаларда кўпроқ кўрсата олдида. Чунончи, мамлакат чемпионатида жами 402,5 (даст кўтаришда 185,5, силтаб кўтаришда 217) килограммлик натижа кўрсатиб, жаҳон миқёсидаги кўрсаткичларга тенглашган эди. Омад келса ҳеч гап эмас экан. Йирик мусобақага пухта ҳозирлик кўрган спортчимиз устозларини уялтириб қўймасликка, юксак ишончни оқлашга ҳаракат қилди. Гарчанд имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаган бўлса-да, ғолиблик супасининг иккинчи погонасига кўтарилиб, кўпчиликни мамнун этди. Ноил Муҳамадиёров Олимпиадада жами 400 (177,5+222,5) килограммлик натижа билан совриндор бўлди. Бир сўз билан айтганда Ноилнинг бу медалини зарҳалланган кумуш деса арзигулик. Боиси олимпиадачи бўлиш катта фахр бўлса, йирик баҳсдан қуруқ қайтмаслик қутлуғ шарафдир. 90 килограммли вазнли оғир атлетикачилар курашида олтин медаль «бегона» бўлмади. Уни целиноградлик Анатолий Храпатий (412,5 кг) қўлга киритди.

Москва Олимпиадасининг уч карра чемпиони Владимир Сальников 1500 метрга эркин усулда сузишда зафар қучди. Запорожьелик Татьяна Самойленко 3 километрга югуришда 8 минут 26,53 секундлик натижа билан Олимпиада рекордини ўрнатди. Одессалик Геннадий Авдеенко баландга сакрашда 238 сантиметрли маррани эгаллаб ғалаба қозонди. Гимнастикачилар эса ўтган шанба куни олимпиадачиларимиз қўлга киритган 21 олтин медалнинг 9 тасини олиб беришди. Жумладан моҳир спортчи Елена Шушунованинг брусьядаги машқлари бронза медали билан тақдирланди. Унинг командадоши Светлана Богинская тенгиб сакрашда чемпион бўлиб, эркин баҳсларда кумуш медални қўлга киритди. Елена Шушунова тўсиндаги машқларда иккинчи бўлди.

Футболчиларимиз муваффақиятли курашмоқдалар. Улар чорак финалда Австралия командасини 3:0 ҳисобида енгишди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: ГФР — Замбия — 4:0, Италия — Швеция — 2:1, Бразилия — Аргентина — 1:0. Бугун ярим финал ўйинларида СССР — Италия, Бразилия — ГФР командалари майдонга тушадилар.

Совринли ўринлар учун баҳс давом этмоқда.

Ҳ. НОСИРОВ.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• *Тингланг, томоша қилинг*

27 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут. 9.05 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 9.35 — Мен, сен ва биз ҳаммиз биргаликда. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 14.30 — Эстрада программаси. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — СССР Давлат академик Большой театри оркестрининг солистлари ансамбли ижро этади. 16.30 — Болалар учун фильм. 17.50 — Демократияни ўрганамиз. 18.40 — Дунё воқеалари. 18.55 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.35 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий оммабоп фильм. 9.35 — Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 — Фантазёрлар. 10.30 — «Севганингдан айрилма». Бадиий фильм. 11.45 — Янгиликлар. 11.55 — Ф. Шуберт. «Ноктюрн» триоси. 12.05 — Ритмик гимнастика. 12.35 — В. Гюго. «Мукофотга — минг франк». Спектакль. 14.35 — Дин Рид ҳаётда ва қўшиқда. 15.45 — Янгиликлар. 16.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 18.50 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Кичик концерт. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Имтиҳон». Бадиий фильм. 23.05 — Янгиликлар. 23.10 — Ҳужжатли фильмлар.

УзТВ-I. 15.00 — Фильм-концерт. 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.40 — «Қизил олма». Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ёшлик. 19.00 — Кинопремьера. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Хирмонингизга барака! 22.05 — Концерт. 22.45 — «36—80 квадратдаги воқеа». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.10 — Советлар мамлакатининг кишилари. 19.50 — Украина санъат усталарининг концерти. 20.20 — Демократияни ўрганамиз. **Душанба.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Омад сизга ёр бўлсин, пахтакорлар. 22.30 — Кино оламида.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — Халқ талантларининг концерти. 9.45 — Мактаб ва ҳаёт. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Куз ҳақида ўйлар. 12.50 — Дутор тароналари. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — «Машина времени» ансамбли ижро этади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Болалигим уйчаси». Радиокомпозиция. 15.50 — Советлар ва қайта қуриш. 18.15 — Жаҳон туризм кунига. 18.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 19.20 — Санъат усталарининг концерти. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Хирмонингизга барака! 22.40— Ёзги Олимпиада ўйинларида. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 17688. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 222. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12